

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ШУҲРАТБЕК АБДУРАҲМОНОВНИНГ АНДИЖОН ҲАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

**Ассалому алайкум, ҳурматли сенаторлар ва депутатлар!**

**Азиз юртдошлар!**

**Ҳурматли меҳмонлар!**

Санокли кунлардан сўнг, 2021 йил ҳам якунига етмоқда.

Ҳар қанча синов ва машаққатлар билан кечаётган бўлмасин жорий йилда барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Биз эришган барча ютуқларнинг баҳоси, аҳамияти ва қиммати, аввало, кундалик ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар билан ўлчанади, десам тўғри бўлади.

Энг асосийси, **юртимизда яшаётган одамлар, уларнинг тафаккури, ҳаётга, атрофда юз бераётган барча воқеаларга муносабати ўзгарди.**

Биласизлар, дунёқараш ўзгармас экан, турмуш ҳам, шароит ҳам ўзгармайди.

**Бугун халқимиз ислохотларга ишонч билан қараяпти.**

**Одамларни рози қилиш – осон иш эмас.**

**Шу сабабли,** биз фуқароларимизга муносиб турмуш шароитини яратиш, инсон кадр-қиммати ва ҳаётини манфаатларини таъминлаш учун, **янги режа ва янги дастурларни амалга оширишимиз зарур.**

**Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

Хабарингиз бор, ҳар йили Давлатимиз Раҳбари мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома билан чиқади.

Ўтган йилдан бошлаб эса, ҳудудий ҳокимлар томонидан ҳам туман, шаҳар ва вилоят Халқ депутатлари Кенгашларига Мурожаатнома тақдим этилмоқда.

Албатта, давлат бошқарувининг бундай демократик усули бугун **“Янги Ўзбекистон”**да олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, авваламбор, **“Инсон қадрини учун”** тамойили асосида бизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

**Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

Бугунги сессияда Андижон вилоятидан сайланган сенаторлар, вилоят маҳаллий Кенгашлари депутатлари, шаҳар ва туман Кенгашларининг доимий комиссиялари раислари, барча бўғиндаги ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, нодавлат ташкилотлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар ҳамда блогерлар иштирок этмоқда.

Жорий йилда амалга оширилган асосий ишлар ҳамда 2022 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномани эътиборингизга ҳавола этишга руҳсат бергайсизлар.

**Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

**Аввало**, йил давомида вилоятни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг **бор куч ва имкониятлари сафарбар этилганини** таъкидлаш жоиз.

Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича барча йўналишлардаги дастурларнинг сифатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган **январь-ноябрь** ойларида иқтисодий ўсишнинг **барқарор юқори суръатларига эришилди**.

**Йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 102 фоизга, ҳудудий саноат маҳсулотлари 116 фоизга, қишлоқ хўжалиги 103,4 фоизга, қурилиш ишлари 104 фоизга, жами хизматларнинг ўсиш суръати эса 122 фоизга тенг бўлиши** кутилмоқда.

Шунингдек, **аҳоли жон бошига даромадлар ҳажми 11,8 млн. сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати **110 фоизга** тенг бўлиши прогноз қилинмоқда.

**Келгуси 2022 йилда** ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 103,2%га, ҳудудий саноат маҳсулотлари 106,5%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 103,2%, қурилиш ишлари 105%, жами хизматлар эса 120%га тенг бўлиши прогноз қилинмоқда.

### **Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

Йил бошида **150 минг нафар ишсиз аҳолининг бандлигини** таъминлашни олдимизга мақсад қилиб олган эдик.

**2021 йилнинг 1 декабрь** ҳолатига **200,5 минг нафар** ишга муҳтож бўлган фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

**Йил якунига қадар яна 9 мингдан зиёд** ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини бандлиги таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олганмиз.

Натижада ишсизлик даражасини **10,2 фоиздан** йил якуни билан **9,5 фоизга** туширилиши таъминланади.

**Келгуси 2022 йилда** ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ҳозирда, статистик маълумотларга кўра, вилоятда ишсизлар сони **138,5 минг нафар**, хорижга ишга кетганлар сони **205 минг нафар** ҳамда илк маротаба меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар сони **51,6 минг нафарни** ташкил этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, **2022 йилда 5 та йўналишда 191 минг нафар аҳолини бандлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олдик**.

**Хусусан:**

**-тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида 36,3 мингта иш ўринлари яратилади.** Бунинг учун оилавий тадбиркорлик дастури доирасида **855 млрд. сўм** ресурс ажратилади.

-худудий Инвестиция дастури доирасида **44 мингта**;

-қурилиш соҳасида **14,4 мингта**, шу жумладан, “Янги Андижон” шаҳри қурилиши ҳисобига **5 мингта**;

-хизмат кўрсатиш соҳасида **13 мингта**;

-қишлоқ хўжалиги соҳасида **84 мингта** иш ўринлари яратилади. Мисол учун, **4,5 минг гектар** пахта майдонларини аҳолига 10 сотихдан узоқ муддатли ижарага бериш орқали **45 мингта** янги иш ўринлари яратилади.

Умуман, амалга ошириладиган ишлар натижасида **ишсизлик даражаси 9,5 фоиздан 2022 йил якуни билан 8,7 фоизга камайишига эришилади.**

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

**Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга мухтож** оилаларни қўллаб қувватлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

**Жорий йилда ижтимоий ёрдамга мухтож ва эҳтиёжманд аҳоли учун нафақа миқдори ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўпайтирилди.**

Жумладан, аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида жорий йилда қарийб **142 минг нафар** кам таъминланган оилаларга маҳаллий бюджетдан **480 млрд. сўм** ижтимоий нафақалар тўлаб берилди.

2021 йил 1 декабрь ҳолатига пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони **377 минг нафарга** яқинлашиб, йил бошига нисбатан **18 минг нафарга** кўпайди.

Шунингдек, Давлатимиз Раҳбарининг алоҳида қарорлари билан **кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга мухтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятдаги 10 минг 641 та** оилаларнинг **22 минг 506 нафар 18 ёшгача** бўлган фарзандларига **11 млрд. сўмдан зиёд** пул маблағлари ажратилди.

**Келгуси йилда** ҳам кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга мухтож оилаларни қўллаб қувватлаш ишлари давом эттирилиб, маҳаллий бюджетдан ижтимоий нафақаларни молиялаштириш учун жорий йилга нисбатан **2 баробар** кўп, яъни **950 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, “**Темир дафтар**”га киритилган оилалар, уларни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликдан чиқариш бўйича кўрилган чоралар ўз натижасини бермоқда.

Йил бошида “**Темир дафтар**”даги **8 минг 787 та** оила ва уларнинг **30 мингта** яқин оилар аъзоларининг даромадини ошириш кўзда тутилган эди.

Бу йўналишда амалга оширилган тизимли ва манзилли ишлар натижасида **5 минг 724 нафар** ишсиз оила аъзоларининг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, “**Темир дафтар**”даги **195 та** оилаларга тижорат банклари томонидан **3 млрд. 156 млн.сўм** имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Даромади оширилиши ҳамда ижтимоий муаммоларини ҳал қилиниши ҳисобига **5 минг 497 та** оилалар худудлардаги туман ва шаҳар Халқ депутатлари кенгашлари қарорлари асосида эҳтиёжманд оилалар рўйхатидан чиқарилди.

“Темир дафтар”да қолаётган **3 минг 290** та оилаларга ижтимоий кўмак бериш ва даромади ошириш ишлари давом эттирилмоқда.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

**“Аёллар дафтари”нинг** 1-2-босқичларида **75 мингдан ортиқ** хотин-қизларга ёрдам кўрсатилди ва дафтардан чиқарилди.

Шу жумладан, Дафтарга киритилган **24,8 минг нафар** хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, **19 мингдан зиёд** тадбиркорлик қилиш истагида бўлган хотин-қизларга **236 млрд. сўм имтиёзли кредит** маблағлари ажратилди.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож **335 нафар** аёлларимиз имтиёз асосида уй-жой билан таъминланди. Бундан ташқари, **255 нафар** уй-жойи таъмирга муҳтож 1-гурӯх ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг уй-жойлари таъмирланди.

Бу ишларни **келгуси йилда** ҳам тизимли давом эттириш мақсадида **3-босқич хатлов ишлари олиб борилмоқда.**

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, **2022 йилда “Аёллар дафтари”га** киритилиши режалаштирилаётган **24 мингдан зиёд** хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилади.

Уй-жойга муҳтож **200 нафардан** ортиқ хотин-қизларга янги уй-жойлар учун бошланғич бадал тўловлари тўлаб берилади.

**“Ёшлар дафтари”га** жами **44 минг 627 нафар** ёшлардан бугунги кунга қадар **42 минг 698 нафарига (96%)** ёрдам кўрсатилиб, дафтардан чиқарилди.

Қолган **1 минг 929 нафар** ёшларга ижтимоий кўмак бериш ишлари назорат остида давом эттирилмоқда.

**Келгуси 2022 йилда** дастлабки ҳисоб-китобларга кўра **25 минг 380 нафар** ёшлар “Ёшлар дафтари”га киритилиб, ишга жойлаштириш, кредит ва ер ажратиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилади.

Бу ишлар маҳаллаларда - **Ёшлар ишлари агентлиги вакиллари** орқали амалга оширилади.

**Умуман, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га** киритилган фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил **1 декабрь ҳолатига** махсус жамғармага **72,4 млрд. сўм** маблағлар туширилиб, шундан, **58,3 млрд. сўми** фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилди.

Келгуси, **2022 йилда** мазкур дафтарларга **82,5 млрд. сўм** маблағлар йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Бугунги кунда **камбағалликни қисқартириш** устувор вазифалардан бири бўлиб турибди.

Бу борада, вилоятдаги **210 та** ривожланишда орқада қолаётган ҳамда ишсизлик даражаси юқори бўлган **оғир маҳаллаларда** ўтказилган **учрашувларда** қарийб **130 минг та**

хонадон вакиллари иштирок этиб, турли йўналишларда ёрдамлар (*тадбиркорлик қилиш, кредит олиш, ишга жойлашиш, парранда боқиш ва бошқа*) кераклигини билдирган эди.

Ушбу маҳаллалардаги аҳолини даромадини ошириш бўйича **4 та йўналишда** иш ташкил этилди. Жумладан:

**Биринчидан,** Оилавий тадбиркорлик қилиш истагидаги **11,5 минг та** хонадон вакиллари **кредит маблағларига** бўлган талабларидан келиб чиқиб, қиймати **131 млрд.сўмлик** маҳсулотлар етказиб берилди.

**Иккинчидан,** “Лидер тадбиркор” билан биргаликда тадбиркорлик қилиш истагини билдирган **11 минг та** хонадонларга маҳсулотлар етказиб берилди.

**Учинчидан,** Ишлаш истагини билдирган **2 минг 66 та** хонадон вакиллари **тўлиқ бандлиги таъминланди.**

**Тўртинчидан,** Парранда боқиш истагини билдирган **1 минг 680 та** хонадон вакиллари **82 минг 313 бош парранда тарқатилди.**

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Давлатимиз Раҳбарининг ташрифи давомида аҳолининг даромадини ошириш мақсадида томорқаси мавжуд аҳоли хонадонларида **2 млн. бош парранда боқишни** ташкил этиш белгиланган эди.

Олиб борилган тадбирлар натижасида, ишсиз, даромади паст бўлган оилалар ҳамда парранда боқиш истаги мавжуд **17 минг 939 та** хонадонларда **2 млн. бош парранда боқиш** йўлга қўйилиб, хонадонларнинг даромади оширилди.

Мисол учун, **Шаҳрихон тумани** 3-сектордаги “Оқ олтин” маҳалла фуқаролар йиғинига “Водий Инвест Зийнати” МЧЖ томонидан кооперация усулида **107 та** аҳоли хонадонларида паррандачилик ташкил этилди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг ташаббуслари билан **келгуси 2022 йилда** аҳолини бандлигини таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш мақсадида **хоким ёрдамчилари** орқали томорқаси бор хонадонларга **100 бошдан парранда, 20 бошдан қуён, 5-6 бошдан қўй-эчки, 5-10 бошдан курка ва 5 тадан асалари уяси тарқатиб, боқилишини ташкил этиш** бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу ишларни ташкил этиш мақсадида вилоятдаги **887 та маҳаллаларнинг 870 тасида** (*17 тасида аҳоли кўп қаватли турар жойларда истиқомат қилади*) **паррандачилик кооперативлари ташкил этилади.**

Бу борада аҳоли хонадонларига **100 бошдан** парранда тарқатиш бўйича ишларни **3 босқичда** амалга ошириш режалаштирилмоқда.

**Жумладан:**

**Биринчи босқичда,** **870 та** маҳаллаларда **15 тадан** эҳтиёжманд жами **13 минг 50 та** хонадонларга **1 млн. 305 минг бош** паррандалар тарқатилади.

**Иккинчи босқичда,** бошқарма, ташкилот ва муассасаларнинг эҳтиёжманд ишчи-ходимларининг хонадонларида парранда боқиш ташкил этилади.

Ҳозирда вилоятдаги **145 та** бошқарма, ташкилот ва муассасаларнинг жами **178 минг нафар**, шундан **10 минг 701 нафари** (*6 фоизи*) эҳтиёжманд ишчи-ходимлар ҳисобланиб, **9 минг 792 нафари** ҳовли ўйларда истиқомад қилади.

Ташкилот ва муассасаларда ишловчи эҳтиёжманд ишчи-ходимларнинг оиласидаги ишсизларни бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг даромадини ошириш мақсадида қарийб **1 млн. бош** паррандалар тарқатилади.

Аҳоли хонадонларига хонаки паррандаларни етказиб бериш учун ҳар бир маҳаллаларда **1 тадан кооператив** ташкил қилиниб, улар томонидан хонадонларга хонаки товук, товуклар учун катак ва озуқа-ем етказиб берилади.

Хонадонларда етиштирилган тухумлар кооперативлар томонидан сотиб олиниб, деҳқон бозорларда алоҳида улар учун ажратилган жойларда сотилади.

Бугунги кунда аҳолига тарқатиш учун **300 минг бош** 60 кунлик хонаки товуклар “Хуршид тантанаси” МЧЖда парвариш қилинмоқда.

Ушбу **300 минг бош** хонаки товуклар 2022 йил 15 февралдан (*4 ойлик тухумга кирган*) аҳоли хонадонларига тарқатилади.

“Хуршид тантанаси” ва “Марҳамат элит парранда” корхоналарига Белоруссия ва Франция давлатларидан **2,5 млн. дона хонаки насли** товук тухуми ҳамда **30 минг та** қора курка тухуми олиб келиш учун вилоят маҳаллий бюджетдан **10 млрд.сўм** миқдоридан ссуда маблағлари ажратиб берилди.

Ушбу ажратилган маблағларга **2022 йил январь ойининг 10 санасига қадар насли тухумлар олиб келиниб**, инкубаторияларга жойлаштирилади.

Шу билан **жами 15 минг 333 та** хонадонларнинг даромади оширилади.

Натижада, йил давомида **282 млн. дона** тухум олиниб, бир хонадоннинг ўртача ойлик даромади **1 млн. 200 минг** сўмга ортишига эришилади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

**Худудий инвестиция дастури доирасида** 1 декабрь ҳолатига қиймати **7,6 трлн. сўмлик, 680 та** лойиҳалар ишга туширилиб, **39 мингта** янги иш ўринлари яратилди.

Лойиҳаларни жойлаштиришда, биринчи навбатда, **ишсизлик юқори бўлган чекка ҳудудларга** алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

**Мисол учун, Избоскан туманидаги "Соҳиб омад баракаси" МЧЖ** томонидан **2,4 млн. доллар** инвестициялар ўзлаштирилиб, йилига **10 млн. дона** трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва **1200 нафар** фуқаролар иш билан таъминланди.

**Жалақудуқ туманидаги "Зумрад текстил" корхонаси** томонидан **24 млрд. сўм** инвестициялар ўзлаштирилиб, йилига **5 млн. дона** трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, **1000 нафар** қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга эришилди.

**Йил якуни билан** умумий қиймати **10,1 трлн. сўмлик жами 735 та** лойиҳалар ишга туширилиши натижасида **41 минг дан** зиёд янги иш ўринлари яратилади.

**2022 йилда** вилоятимизнинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий дастурларимиз асосида қиймати **10,8 трлн. сўмлик 492 та** (*саноатда 296 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 129 та ва қишлоқ хўжалигида 67 та*) лойиҳаларни

амалга оширилиши натижасида **44 мингдан зиёд** янги иш ўринлари яратилиши белгилаб олинди.

Бунда айниқса, юқори салоҳиятга эга бўлган **тўқимачилик, қурилиш материаллари, электротехника, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика ва маҳаллий саноат – драйвер соҳаларга** айланмоқда. *Жумладан:*

- тўқимачилик саноатида 133 та;**
- қурилиш материаллари саноатида 53 та;**
- мебел ва қозғоз саноатида 31 та;**
- озиқ-овқат саноатида 37 та;**
- бошиқа саноат тармоқларида 42 та** лойиҳалар амалга оширилади.

Бизнинг вилоятимизнинг асосий иқтисодий “ўсиш нуқтаси” яъни, драйвер соҳалардан бири **текстил-тўқимачилик** саноати бўлиб, ана шу мақсадда ташкил этилган **13 та** пахта-тўқимачилик кластер корхоналаридан **3 та кластер корхонасида** 4-босқичда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган цикл яратишган бўлса, келгуси йилда уларнинг сони **6 тага** етказилади.

Шунингдек, вилоятимизнинг иқтисодиёти ривожланишига ҳисса қўшадиган **йирик инвестиция** лойиҳалари ишга туширилади.

Хусусан, иш ўрни камида **1000 талик бўлган** келгуси йили ишга тушадиган **15 та** йирик лойиҳаларда қурилиш ишлари бошланди.

*Мисол учун, Қўрғонтепа тумани "Лезар Арт" МЧЖ томонидан умумий қиймати 158 млрд.сўмлик **пойабзал ишлаб чиқаришни** ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 1 200 нафар янги иш ўринлари яратилади.*

*Улугнор туманидаги "Водий саноат фаҳри" МЧЖ томонидан умумий қиймати 43,6 млрд.сўмлик **тикув-трикотаж маҳсулотлари** ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси натижасида 1 000 нафар янги иш ўринлари;*

Натижада, **2022 йилда** барча лойиҳаларни амалга оширилиши ҳисобига йилига **3,5 трлн. сўмлик** ишлаб чиқариш қувватлари яратилади, **681 млн. долл. экспорт** қилиш имконияти, **568 млрд.сўмлик** бюджетга соф тушумлар захираси ва **20 хил турдаги янги маҳсулотлари** ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиб, **75 млн. долл. импорт ўрнини** босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Жорий йилда **249 млн. долларлик хорижий инвестицияларни** ўзлаштириш прогнози белгиланган.

Ушбу йўналишдаги лойиҳаларни ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш мақсадида **35 та** лойиҳага **106,5 млн. долларлик дастгоҳ ва ускуналар** олиб келиниши таъминланди.

Натижада ўтган **11 ой** давомида **241 млн. доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. **Йил якуни** билан эса жами **252 млн. доллар** тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда хорижий кредит маблағлари ўзлаштирилади.

Мисол учун, Асака туманидаги "Асакатекстиль" МЧЖ томонидан умумий қиймати 49,4 млн. долл. бўлган мато ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилади ва 1600 та янги иш ўринлари яратилади.

**Келгуси 2022 йилда** бу йилга нисбатан 1,5 баробар кўп, яъни Германия, Хитой, Туркия, Хиндистон, Жанубий Корея, Россия, Сингапур ва бошқа давлатлар билан амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида жами 375 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кредитлар ўзлаштирилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, умумий қиймати 253 млн. долл. бўлган 16 та йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ишга туширилади (6 мингта иш ўрни яратилади).

Мисол учун, Булоқбоши туманидаги "Андижан ВСС Цемент" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси томонидан 250 млн.доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобидан цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 1 000 нафар янги иш ўринлари;

Андижон шаҳрида "ВБМ Фабрик" МЧЖ томонидан қиймати 35 млн долл. бўлган матоларни бўйини ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилиб, 500 нафар янги иш ўринлари яратилади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Жорий йилда вилоятда 588 млн. долларлик маҳсулотлар экспортини амалга ошириш белгиланган бўлиб, ҳозирда 597 млн. долларлик экспорт амалга оширилди.

Экспорт фаолиятига қўшимча 271 та янги корхоналар жалб этилиб, ташқи савдога йўналтириладиган маҳсулотлар тури ўтган йилги 28 тадан жорий йилда 34 тага етди.

Йил якуни билан жами 606 млн. долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилиши ҳамда белгиланган режани 18 млн.доллар ортиғи билан бажарилиши таъминланади.

**2022 йилда** вилоятимизда **680,8 млн. долларлик** (573 млн доллари саноат маҳсулотлари ҳамда 107 млн доллари мева-сабзавот) экспорт амалга оширилиб, 2021 йилга нисбатан **116 фоизга** ўсиши кўзда тутилмоқда.

Экспорт фаолиятига қўшимча 36 та янги корхоналарни жалб этиш ва улар томонидан 20 млн. долларлик экспорт амаллари бажарилиши кутилмоқда.

Шунингдек, 14 хилдаги янги маҳсулотларни экспортга йўналтирилиши режалаштирилган.

Жумладан, ўсимлик ёғи, цемент ва цемент маҳсулотлари, маргарин, маъданли сув, темир шёткалар, мочалка, жинси маҳсулотлари, гаффри картон, ҳайвон озуқалари ва ишлов берилган чарм экспортга илк бор йўналтирилади.

Мисол учун, "Раш милк" МЧЖ 200 минг долларлик цемент, "Лизер арт" МЧЖ 2 млн. долларлик ишлов берилган чарм, "Вир фактори" МЧЖ 2,5 млн. долларлик енгил саноат маҳсулотлари, "Хантекс оил" МЧЖ 1,5 млн. долларлик ўсимлик ёғи.



Экспортни асосий қисми **504 млн. доллари** енгил саноат маҳсулотлари улушига тўғри келиб, жами экспортнинг **74 фоизини** ташкил этади.

Экспорт таркибида **тайёр маҳсулотлар** улуши **эса 65 фоизга** етказилади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Кичик саноат зоналарини ривожлантириш ва янгиларини ташкил этиш тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Вилоятдаги мавжуд **22 та (152 га) кичик саноат зоналарида** жами **394 та (909 млрд. сўмлик, 9375 та иш ўрнига эга)** лойиҳалар жойлаштирилган.

Шундан, ҳозирга қадар **483 млрд. сўмлик 260 та** лойиҳа ишга туширилиб, **5,4 мингта** янги иш ўринлари яратилди.

**Йил якуни билан** қўшимча **47 та (77 млрд. сўмлик)** лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига **2 минг та** янги иш ўринлари яратилади.

Ишга туширилган лойиҳалар ҳисобига ўтган йилга нисбатан **1,5 баробар кўп, яъни 325 млрд. сўмлик** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши, шунингдек, **13,5 млн. долларлик маҳсулотлар экспортга юборилиши** кутилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда **93 гектар** ер майдонига эга **20 та “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари”**лари ташкил этилди.

Уларга, ёшларнинг **623 млрд. сўмлик 870 та** инвестиция лойиҳалари саралаб олиниб, **53 га** ер майдонига жойлаштирилди.

Лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида **12,5 минг та** янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда **79 та** лойиҳалар ишга туширилиб, **1,4 мингта** янги иш ўринлари яратилди.

Белгиланган режага мувофиқ, жорий йил якунига қадар жами **300 та** лойиҳалар тўлиқ ишга туширилиб, бунинг натижасида **5 мингга яқин** ёшларга доимий иш ўринлари яратилади.

**2022 йилда** кичик саноат зоналарида ҳамда ёшлар саноат зоналарида **(720 млрд. сўмлик)** жами **660 та** лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига **10 минг та** янги иш ўринлари яратилади.

Бундан ташқари, **83 гектар** ер майдонида **15 та** янги кичик саноат зоналарини ташкил этишни олдимизга мақсад қилиб олганмиз.

Янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига умумий қиймати **357 млрд. сўмлик 450 та** лойиҳалар жойлаштирилиб, жами **7 мингга яқин** янги иш ўринлари яратилади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Давлат Раҳбарининг амалий кўмаги билан **53 гектар** ер майдонида **“Андижон-Фарм” эркин иқтисодий зонаси** ташкил этилган.

Ушбу ҳудудга қиймати **117 млн. долларни** ташкил этадиган **16 та** замонавий ва инновацион технологиялар билан жиҳозланган **янги фармацевтик лойиҳалари жойлаштирилди.**

Ҳозирда қиймати **32 млн. доллар** бўлган **4 та** лойиҳалар амалга оширилиб, **35 млн. қадокда** дори воситалари ишлаб чиқариш ҳамда **10 млн. дона** дори воситалари, тиббий буюмларни халқаро стандартлар талабига мос келадиган замонавий илмий ва синов лабораторияларини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Йил якуни билан яна **4 та** лойиҳалар ишга туширилиб, **216 млрд. сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватлари, **3 млн. долл** экспорт қилиш имкониятлари яратилади.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда маҳаллий ҳом-ашё маҳсулотларидан фойдаланиш даражаси келгуси йил якуни билан **31 фоиздан 45 фоизга** етказилади ҳамда **9 млн. долларлик импорт ўрнини босувчи** маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

### **Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

Жорий йилда Андижон тумани, А.Исмоилов массивининг **105 гектар майдонида “Машинасозлик ва электротехника махсус саноат хаби”** махсус саноат зонаси ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда махсус саноат зонасида **3 та** йирик лойиҳаларни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Дастлабки босқичда инвестиция қиймати **83,1 млн. долларлик** лойиҳалар амалга ошириш натижасида **1600 нафар** янги иш ўринлари яратилади. Ушбу лойиҳалар келгуси йилда тўлиқ фойдаланишга топширилади.

### **Мисол учун:**

**“Авто Спринг Компанентс” МЧЖ** томонидан қиймати **54 млн. доллар** бўлган **“Ўядан тайёрланадиган қисмлар ишлаб чиқариш”** лойиҳаси ишга туширилиб, **400 нафар** янги иш ўринлари яратилади.

**“Феран Стал” МЧЖ** томонидан **272 млрд. сўмлик метални қайта** ишлашни ташкил қилиш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида **1 000 нафар** янги иш ўринлари;

**“Шодлик Барака Ҳамкор Люкс” МЧЖ** томонидан **40 млрд. сўмлик** автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, **200 та** янги иш ўринлари яратилади.

### **Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

**2022 йилда Пахтабод туманининг “Дурдиёр” маҳалласида 55 гектар** тошлоқ ер майдонида **тўқимачиликка ихтисослашган саноат зонасини** ташкил этиш ишлари бошланади.

Ушбу тўқимачилик саноат зонасини зарур инфратузилма билан таъминлаш учун **65 млрд. сўмлик** бюджет маблағлари йўналтирилади.

Хабарларингиз бор, хуудларга инвестицияларни кенг жалб қилиш ва ўзлаштириш бўйича **янги тизим** йўлга қўйилмоқда.

Хусусан, **Пахтаобод туманида** ташкил қилинган “**Лойиҳалар гуруҳи**” томонидан sanoat зонасида юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича **18 та** лойиҳалар шакллантирилди.

Маҳаллий тадбиркорлар иштирокида тузилган “**Холдинг компанияси**” томонидан ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун **163 млн. доллар** инвестициялар йўналтирилиб, **5 мингта** янги иш ўринлари яратилади.

Натижада, йилига **75 млн. долларлик** ишлаб чиқариш қувватлари яратилиб, ушбу маҳсулотларнинг камида **50 фоизи** экспортга йўналтирилади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

**Бўш турган бино-иншоотлардан** самарали фойдаланиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали янги иш ўринлари яратиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, жорий йилда **81 та** давлат активлари “E-AUKSION” электрон савдога чиқарилди.

Шундан, **42 та** давлат активлари инвестиция киритиш шарти билан сотилиб, бюджетга **56 млрд сўм** маблағ туширилди.

*Мисол учун, “Вилоят стоматология поликлиникаси” мулкий мажмуаси 10 йил мобайнида тиббиёт фаолият турини сақлаб қолиш шарти билан “Ширин шингил” МЧЖга 6,8 млрд.сўмга, “Андижон ёғ-мой” АЖнинг 54 фоиз давлат улуши фаолиятини сақлаб қолиш шарти билан 26 млрд.сўмга сотилди.*

**Бундан ташқари**, ўтказилган хатловда **жами 2062 та** (шундан 70 таси янги аниқланган) **бўш турган хусусий мулкдорларга** тегишли **нотурар объектлар аниқланиб**, уларни хўжалик фаолиятига тезкорлик билан жалб этиш ишларни жадаллаштириш мақсадида **1992 та** объект мулкдорларига **таъсирчан солиқ механизми** қўлланилди.

Ушбу объектларга таъсирчан солиқ механизми қўлланилиши натижасида **жами 88 млрд.сўм** миқдоридида солиқ қарздорликлари ҳисобланди (шундан, **17,5 млрд.сўм** ундирилди).

Бўш турган объектлар негизида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва инвесторларни жалб қилишда мулкдорга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳлар томонидан **1023 та** бўш турган объектлар бўйича қиймати **671 млрд. сўмлик, 5,5 мингдан** ортиқ иш ўрнига эга бўлган лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Шундан, йил якуни билан бўш турган **320 та** объектларни ишга туширилиши натижасида **1300 тадан** зиёд янги иш ўринлари яратилиши таъминланади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик** мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Сўнги йилларда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Уларга асосан, **114 та** лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, **33 та** фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача **2 бараварга** қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди.

Давлат ва тадбиркорлар ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг **“дардини эшитиб”**, муаммоларини кундалик ҳал қилиш бўйича ҳамда **“Ҳар бир тадбиркорга-қўмақдош, елкадош ва мададкормиз!”** деган бош ғоя асосида ишлар ташкил этилмоқда.

Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтirmoқда.

Бу борада **«Тадбиркорлар ва инвесторлар учун ишбилармонлик муҳитининг ҳолати» бўйича** ўтказилган сўровномалар натижасига кўра Андижон вилояти Республикада энг яхши кўрсаткичга эга бўлгани – бу албатта **биринчи** навбатда ғурур бағишласа, **иккинчидан** барчамизни бу соҳада янада изланишга ундайди.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

**Тижорат банклари томонидан** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида **жорий йилнинг 1 декабрь** ҳолатига **жами 3,6 трлн. сўм** (*йиллик режага нисбатан 90%*) миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, **оилавий тадбиркорликни** ривожлантириш дастурлари доирасида **774 млрд. сўм** (*йиллик режага нисбатан 98%*) маблағлар **41 мингдан зиёд** аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилди.

Ажратилган маблағлар ҳисобига **11 мингта хизмат кўрсатиш шохобчалари** ишга туширилди. Шунингдек, **8 мингта янги кичик бизнес субъектлари** ташкил этилиб, уларнинг умумий сони **37 мингдан ортди**.

Ушбу соҳага **декабрь ойида яна 437 млрд.сўм** миқдорида кредит маблағлари ажратилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида **кичик бизнес субъектларининг** иқтисодиёт тармоқларидаги улуши ҳам ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада ортиши таъминланди.

**Жорий йил якуни** билан яратиладиган **жами иш ўринларининг 87 фоизи** кичик бизнес субъектларига тўғри келиши, шунингдек, кичик бизнесни **ялпи ҳудудий маҳсулотда улуши 70 фоизга** тенг бўлиши кутилмоқда.

**2022 йилда** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан **жами 4,6 трлн. сўм**, шундан **оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари** доирасида **855 млрд.сўм** миқдорида бўлган имтиёзли банк кредити маблағлари ажратилади.

Келгуси йилда тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қулай муҳит яратиб бериш - олдимиздаги энг асосий вазифалардан бири бўлади.

## Хурматли сессия иштирокчилари!

Ажратилган кредитлар ҳисобидан вужудга келган **муаммоли кредит қарздорликларини** бартараф этиш юзасидан ҳам тегишли чоралар кўрилмоқда.

Тасдиқланган **графикка** асосан, **1 декабрга** қадар **815 млрд. сўм** миқдоридаги кредит қарздорликларини ундириш белгиланган бўлиб, амалда **417 млрд. сўм** ундирилди.

Шу билан бирга, ўтган **5 ой** давомида қўшимча **780 млрд. сўм** миқдорида муаммоли кредитлар юзага келиб, **1 декабрь** ҳолатига **жами муаммоли кредитлар** ҳажми **1 трлн. 411 млрд. сўмни** ташкил этмоқда.

Шундан, **муддати ўтган** кредит қарздорликнинг миқдори **738 млрд. сўм** бўлиб, жами кредитлар қолдиғидаги улуши – **5,2 фоизни** ташкил этмоқда.

**Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури** доирасидаги жорий йилнинг май-ноябрь ойлари давомида **487 млрд сўмлик** кредит маблағлари сўндирилиши белгиланган бўлиб, ушбу даврда **446 млрд.сўм** сўндирилган (*92% ёки 41 млрд. сўм кам*).

**Декабрь ойида жами 182,2 млрд.сўм** (*шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириши дастури доирасида декабрь ойида сўндирилиши режалаштирилган 47 млрд.сўм ҳамда ўтган ойлarda сўндирилмасдан қолинган 41 млрд.сўм билан бирга жами 88 млрд.сўм*) миқдоридаги кредит қарздорлигини ундириш чоралари кўрилади.

**2022 йил** 1 январь ҳолатига қўшимча юзага келиши мумкин бўлган муаммоли кредитларни ундириш бўйича қайтадан **график** ишлаб чиққан ҳолда, **сектор раҳбарлари бошчилигида қарздорликни ундириш бўйича барча имкониятлар ишга солинади.**

## Хурматли сессия қатнашчилари,

Ҳар қандай соҳанинг ривожланиши биринчи навбатда маблағга бориб тақалади.

Шу жиҳатдан қараганда, қатор солиқ имтиёзлари берилган бўлишига қарамай, **бюджетга тушумларни** ортиғи билан бажариш бўйича барча зарурий чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, **2021 йил учун 2 трлн. 232 млрд. сўм** маҳаллий бюджет даромадлари режаси белгиланган бўлиб, январь-ноябрь ойларида **2 трлн. 158 млрд.сўмга** ёки йиллик режа **97 фоизга** бажарилди.

**2021 йил якуни билан** маҳаллий бюджет даромадларини **2 трлн. 435 млрд. сўмга** ёки **109 фоизга** бажарилиши ҳамда бюджетда **267 млрд. сўм қўшимча** маблағ шакллантирилиши таъминланади.

Келгуси **2022 йилда** вилоят маҳаллий бюджет даромадларини **1,4 баробарга оширган** ҳолда **3 трлн. 59 млрд. сўм** миқдорида маблағ туширилиши режалаштирилмоқда.

## Хурматли сессия иштирокчилари!

Маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгартириш, фойдаланишга топшириладиган ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар доирасидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича барча зарурий чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, 2021 йилда **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла”** дастурлари доирасида танлаб олинган **31 та** маҳаллаларда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

*Жумладан, қарийб 5 мингта яқка тартибдаги уй-жойлар таъмирланди, 113 та савдо мажмуалари ташкил этилди, 827 км йўл, 354 км ичимлик суви, 1147 км электр тармоқлари, 9,9 км табиий газ тармоқлари, 277 км ирригация, 37 та ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.*

Ушбу ишларга жами **240 млрд. сўм** маблағлар йўналтирилиб, мазкур маҳаллаларда яшовчи **100 мингдан зиёд** аҳолини турмуш даражаси яхшиланди.

**Келгуси 2022 йил** учун **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла”** дастурларини ишлаб чиқишда, аввало Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар, шунингдек, аҳоли вакиллари билан бевосита келишган ҳолда **32 та** оғир маҳалла танлаб олинди ҳамда Халқ депутатлари Кенгашларида маъқулланди.

Ушбу маҳаллаларда барча манбалар ҳисобидан **633 млрд. сўмлик** қурилиш-ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

*Жумладан, 57 та ижтимоий соҳа объектлари, 227 км ичимлик суви ва 205 км электр тармоқларини тортиш, 74 дона трансформаторларни янгилаш, 430 км йўллар, 84 км тиёда йўлаклар, 18 км велосипед йўлаклар, 51 км ирригация ва мелиорация тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади.*

Натидажа, **20 минг 820 та** хонадонлардаги **106 мингдан зиёд** аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланиши кутилмоқда.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Жорий йилги **Инвестиция дастурига** жами **113 та** қиймати **835 млрд. сўмлик** объектлар киритилган.

*(соғлиқни сақлашда 11 та, мактаб 30 та, боғча 13 та, спортда 2 та, маданият тизимида 1 та, марказий кўчалар 16 та, ичимлик ва оқова сувда 7 та, мелиорация ва ирригацияда 18 та, автомобиль йўлида 4 та, дарё қирғоқларини мустаҳкамлашда 6 та, бошқа 5 та объектлар)*

Бугунги кунда **819,1 млрд сўмлик (99%)** қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди (**732,3 млрд сўм** молиялаштирилди).

Натижада, жами **92 та** (шундан 27 та умумтаълим мактаблари, 13 та мактабгача таълим, 7 та тиббиёт, 15 та ирригация ва мелиорация, 3 та ичимлик суви ва 27 та бошқа) объектларни қуриш ва таъмирлаш ишлари яқунланди.

Декабрь ойида 5 та объектлар фойдаланишга топширилади.

Қолган йилдан йилга ўтувчи 16 та объектларда ишлар давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, дастур доирасида шаҳарлар ва туманлар марказларидаги 1 тадан кўчалар шаҳарсозлик талаблари асосида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Келгуси 2022 йилда Инвестиция дастури доирасида 105 та объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, 55 та ижтимоий соҳа объектлари (шундан, 22 та мактаб, 2 та ижод ва ихтисослаштирилган мактаб, 18 та боғча, 9 та тиббиёт, 2 та спорт ва 2 та маданият), 8 та сув таъминоти ва канализация, 2 та автомобил йўли, 16 та ирригация ва мелиорация, 1 та иссиқлик таъминоти, 7 та қирғоқ бўйи ва бошқа ҳимоя иншоотлари объектларида қурилиш ишлари олиб борилади ҳамда 16 та туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфаси замонавий кўринишга келтирилади.

Ушбу ишларга жами 831,5 млрд. сўм маблағлари ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Эндиликда, Юртбошимизнинг жорий йил 10 декабрдаги ПҚ-43-сон қарори талаблари асосида, Инвестиция дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назорат кучайтирилади.

### Хурматли сессия иштирокчилари!

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб уй-жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлмоқда.

Бу борда вилоятда “Янги тартиб” асосида жами 5 минг 83 та хонадонли, 183 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши якунига етказилмоқда.

Жорий йил якуни билан 51 та уйлар, келгуси йил 1-чорақда эса қолган 132 та уй-жойлар фойдаланишга топширилади.

Бунинг натижасида 15 мингдан зиёд аҳоли уй-жойлар билан таъминланади.

Келгуси 2022 йилда ипотека кредити асосида вилоят бўйича жами 161 та (4374 хонадон) кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилмоқда.

Ушбу мақсадлар учун 982 млрд. сўм ипотека кредити ва 128 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳозирда уй-жойлар қурилиши бўйича ташқи муҳандислик тармоқларига ва инфратузилма объектларига яқин бўлган 24 гектар экин ерига қирмайдиган ҳудудлар танлаб олинди.

Шундан, “Янги Андижон” шаҳрида 11,4 гектар ер майдонида 74 та (1962 хонадон) кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланди.

Ҳозирда ушбу массивда 1680 ўринли мактаб, 320 ўринли боғча, 250 ўринли оилавий поликлиника, “Бест Инвест” МЧЖ томонидан 2

мингта иш ўрнига эга бўлган текстиль фабрикаси қурилиши амалга оширилмоқда. Шунингдек, Андижон “Индекс” савдо маиший мажмуасида қуриш-монтаж ишлари **65** фоизга бажарилди.

Бундан ташқари, Бош режага асосан, “Янги Андижон” шаҳрида келгуси йилда **бокс академияси, олий таълим муассасаси** қурилиши бўйича ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

### **Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

**Аҳолини тоза ичимлик суви** ва канализация хизматлари билан таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

2021 йилда барча манбаалар ҳисобидан **289 млрд. сўм** маблағ эвазига **330 км** ичимлик суви, **52 дона** сув кудуғи, **4 дона** оқава сув тозалаш, **1 дона** оқава сув насос станцияси ҳамда **23 км** оқава сув тармоғини қуриш ва **4 дона** сув ишоотини реконструкция қилиш ишлари тўлиқ бадарилди.

Бунинг натижасида қарийб **50 минг** нафар аҳоли **илк бор ичимлик суви** билан таъминланди, **80 минг** нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

Шунингдек, **36,5 минг** нафар аҳоли биринчи бор **оқава сув** тармоғига уланиб, **6,5 мингдан** зиёд аҳолини оқава сув таъминоти яхшиланишга эришилди.

*Мисол учун, Асака туманида 10,4 млрд.сўм маблағ ҳисобига сув таъминоти оғир бўлган Улугбек ва Фидокор МФЙларида 25 км ичимлик сув тармоғи ва 4 дона сув кудуғи ва 2 дона сув ишоотини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб, 3,2 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, 3,6 минг нафар аҳоли ичимлик суви таъминоти яхшиланишга эришилди.*

**Натижада**, вилоят бўйича **ичимлик суви** билан таъминланиш даражаси **82,4 фоиздан 84 фоизга** ортди.

**Келгуси 2022 йилда** жами **138 млрд. сўм** маблағ ҳисобига **488 км** ичимлик сув тармоғи ва **73 дона** сув ишооти, **23 км** оқава сув тармоғи ва **3 дона** оқава сув тозалаш ишоотини қуриш ҳамда реконструкция қилиш режалаштирилмоқда.

Ушбу ишлар натижасида **93,6 минг** нафар аҳоли илк бор таъминланиб **286 минг нафар** аҳолини ичимлик сув таъминоти яхшиланади, **20 минг нафар** аҳоли оқава суви билан таъминланади.

Натижада **ичимлик суви** билан таъминланиш даражаси **85 фоизга, оқава суви** билан таъминланиш даражаси эса **8,1 фоизга** етади.

### **Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

Жорий йилда **автомобиль йўлларида** жами **132 млрд. сўмлик** реконструкция ҳамда **капитал таъмирлаш** ишлари бажарилиб, **9,5 км** фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, жорий йилда ажратилган **201 млрд.сўм** маблағлар ҳисобига **440 та** маҳалла ва қишлоқларда режадаги **1427 км** (*асфальтлаштириш 328 км, шағаллаштириш 1045 км*) узунликдаги **ички йўллар ўрнига**, амалда **1471 км** ички йўллар таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

**Мисол учун**, Шаҳрихон туманидаги ҳолати оғир бўлган “Бешарик” маҳалласи О.Қосимов кўчасида **1,1 км** йўлда асфальтлаш ҳамда “Яккатут” маҳалласи Ипакчилар



кўчасининг 5 км ички йўлида шағаллаш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, **11 млрд. сўм сарфланиб, 9 дона кўприклар** фойдаланишга топширилди.

Юқоридаги ишларни амалга оширилиши натижасида, **114 та** ижтимоий соҳа объектига олиб борувчи йўллар ҳолати яхшиланди, шунингдек, марказга олиб борувчи йўл **20 км** қисқартирилиб, **жами 360 мингдан ортиқ** аҳолига қулай шарт-шароит яратилди.

**2022 йилда** умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларда **70 млрд. сўмлик** реконструкция ишлари, капитал таъмирлаш дастури доирасида **53 млрд сўмлик** ишлар бажарилади.

Ички йўлларни таъмирлаш дастури асосида **412 млрд. сўмлик** ишлар бажарилиб, **1500 км** ички йўллар, **39 дона** кўприк таъмирланади ва фойдаланишга топширилади.

Натижада, ички йўлларни таъмирланганлик даражаси **60 фоиздан 73 фоизга** етади.

**Яна бир масала,** келгуси йили **800 км** ички йўлларни **асфальт қилиш** режалаштирилган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирда йўлларни **асфальт қилиш учун битум маҳсулотига етишмовчиликлар мавжуд.**

Ушбу муаммони баратаф этиш ва йўл қурилиши ишларини тезлаштириш мақсадида, **бетон йўли** қурилиши амалга оширилмоқда.

Бунинг учун **жорий йилнинг сентябрь** ойида “Раш Милк” МЧЖда томонидан йиллик қуввати **1,2 млн тонна** бўлган инвестицион лойиҳаси ишга туширилиб, вилоятнинг **цемент маҳсулотига** бўлган талаби тўлиқ қопланди.

Ҳозирда ушбу корхона томонидан алоҳида йўл қурилиш корхонаси ташкил этилиб, **10 тадан** ортиқ махсус техникалар олиб келган ҳолда мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда **бетон йўл қуриш кластери ташкил этилди** (*Андижон шахрининг Шимолий ҳамда 2-кичик даҳасида ва Янги Андижон шахрига олиб борувчи кўчаларда йўл қурилиши ишлари олиб борилди*).

Эътиборли жиҳати шуки, **1 км** узунликда, кенглиги **4,5 метр**ли кўчани асфальт қилиш учун **600 млн. сўм** харажат қилинса, бетон йўли учун **527 млн. сўм** сарфланмоқда (*ёки 73 млн. сўм арзон*).

Ёки жорий йилда режалаштирилган жами **800 км** йўлни асфальт қилиш учун **480 млрд. сўм,** бетон йўли қилиш учун эса **422 млрд. сўм сарфланиб, 58 млрд. сўм** иқтисод қилиш имконияти яратилмоқда.

**Бунинг ҳисобига яна қўшимча 110 км йўлларни таъмирлаш мумкин бўлади.**

**Яна бир йирик лойиҳа** – Бобур шоҳ кўчасининг икки қисмини боғлайдиган ва Марказий темир йўл вокзали устидан ўтайдиган, қиймати **250 млрд. сўм** бўлган **700 метр** узунликдаги **кўприк** қурилиши амалга оширилмоқда.

Натижада, Андижон шаҳридаги А.Темур, Пахтакор, Фитрат кўчаларидаги тирбандликни олди олинади, масофа **5 километрга,** вақт сарфи эса **25 фоизга** қисқаради.

Шунингдек, **жамоат траспорти тизимини** янада ривожлантириш мақсадида, жорий йилда **54 дона** янги автобус сотиб олинди, йил якуни билан **яна 29 та** автобус ҳамда **25 та** микроавтобус олиб келинади.

Келгуси 2022 йилда **127 та автобус** ва **100 та микроавтобус** сотиб олиш, **37 та янги йўналишлар** очиш режалаштирилмоқда.

“Янги Андижон” худудига тезкор транспорт қатновини ташкил қилиш мақсадида бир ой муддатда таклиф киритсин.

Бундан ташқари, **“Янги Андижон”** шаҳарчасини Андижон шаҳри билан боғловчи алоҳида йўлакли **тезюар (БиАрТи) автобус йўналишлари** қурилиши ҳисоб-китоб қилиниб, йўналишни йўлга қўйиш учун **43,2 млн. доллар** маблағ йўналтирилади.

Мазкур йўналишни ташкил этиш учун **9 км автомобил йўли кенгайтирилиб, 6 км янги йўл** қурилади, **22 дона** махсус автобус сотиб олинади.

Мазкур алоҳида йўлакли тезюар автобус йўналишида “Янги Андижон” шаҳридан - Андижон шаҳар марказига қадар 1 дона автобусда **18 дақиқада 150 нафар** йўловчини манзилга етказди.

Бундан ташқари, келгуси йилдан **Андижон халқаро аэропортини реконструкция қилиш ишлари бошланади.** Бу ишларда **13 млн. доллар** маблағ йўналтирилади. Натижада авиақатновлар сонини камида **5 баробарга** ортади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Вилоят аҳолиси ҳамда саноат корхоналарини мунтазам равишда **электр энергияси** билан таъминлаш юзасидан тезкор чоралар кўриб борилмоқда.

Жорий йилда жами **1147 км** электр тармоқлари қурилади ва **306 дона** трансформатор пункти тўлиқ ўрнатилди.

Ушбу қурилиш ишлари учун **161 млрд. сўм** маблағ сарфланди.

Натижада **230** мингдан ортиқ аҳоли ҳонадонлари, **900 тага** яқин ижтимоий соҳа объектлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг электр энергияси таъминоти яхшиланди.

**Келгуси 2022 йилда** жами **246** млрд. сўм маблағ ажратилиб, **1086 км** узунликдаги электр тармоқлари ва **311 дона** трансформатор пунктида янги қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилади.

Натижада, **90** мингдан ортиқ аҳоли ҳонадонлари, **300 тага** яқин ижтимоий соҳа объектлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг электр энергияси таъминоти яхшиланади.

Шунингдек, **4 дона** подстанция барпо этилади.

Мисол учун, Шаҳрихон туманида **220 кило ватт** қучланишли электр узатиш тармоғи ва **янги қуввати 250 мега ватт** бўлган подстанция қурилиб, Бўстон, Улуғнор, Балиқчи, Шаҳрихон туманларидаги аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг электр энергияси таъминоти янада яхшиланади.

## Хурматли сессия иштирокчилари!

Вилоятда **261 минг та (43%)** хонадон **табиий газ** (44 476 та кўп қаватли, 216 524 та ҳовли уйлар) ва **341 минг таси (57%)** суюлтирилган газ билан таъминланмоқда.

Жорий йилда **14,3 км** узунликда газ тармоқларини қуриш ҳамда **155 км** газ қувурларини жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди.

Натижада, **52 мингдан** ортиқ аҳоли хонадонларининг газ таъминоти яхшиланди.

Бундан ташқари, аҳоли хонадонларига жами **190 минг дона** АСКУГ тизимли газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилди, **68,1 минг тонна** суюлтирилган газ етказиб берилди.

**Декабрь оyi** якунига қадар суюлтирилган газ таъминотидаги ҳудудларда жойлашган аҳолига **4,2 минг тонна** суюлтирилган газ етказиб берилди.

Ҳозирда, **табиий газ бўйича 1 кунлик лимит 5 млн. 200 минг метр куб бўлиб, амалда 5 млн. 254 минг метр куб олинмоқда.**

Шунингдек, оғборларда **4 мингта** газ баллон ҳамда **560 тонна суюқ газ захира мавжуд.**

**Келгуси 2022 йилда 10,5 км** янги газ тармоқлари қуриш ҳамда **1 км** газ қувурларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилади.

Амалга оширилган ишлар натижасида **9 мингта яқин** аҳоли хонадонлари ва **56 та** ижтимоий соҳа объектлари ҳамда тадбиркорлик субъектларини табиий газ таъминоти яхшиланади.

## Хурматли сессия иштирокчилари!

**Кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.**

Хусусан, 2021 йилда **61 та** уй-жойларни таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар **339 та** уй-жойларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, **18 та** янги болалар майдончаси қурилди, **13 таси** таъмирланди, уй-жойлар ҳудудидаги **52 минг квадрат метр** тротуарларга бетон қопламаси (*брусчатка*) қопланиб, **767 та** ташқи ёритиш тизимлари таъмирланди.

Уй-жой фондидаги **13 та** лифт мосламаларида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Андижон шаҳар “Ёйилма” ва “Соғлом авлод” МФЙларидаги **26 та** “оғир” тоифадаги ширкатлар бошқарувидаги **134 та** уй-жой фондлари **1 та** “Бошқарув ташкилоти” томонидан бошқариш тизими йўлга қўйилди.

Ушбу ишлар учун жами **17,2 млрд сўм** маблағ йўналтирилиб, кўп қаватли уйда яшовчи **16 мингдан** зиёд аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланди.

Кўп қаватли уйларни **марказлашган иссиқлик тизими** билан таъминлаш бўйича ҳам ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, “Иссиқлик манбаи” корхонаси тасарруфидаги Андижон шаҳар **“2-сонли туғруқ комплекси”нинг** қозонхонаси мукамал таъмирланди.

Келгуси йилдан бошлаб, Андижон шаҳридаги **РК-2** қозонхонасини модернизация ва реконструкция қилиш билан **5 та** кичик даҳадаги **271 та** кўп қаватли уйлардаги **11,7 минг та** хонадонлар ва **32 та** ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик сув ва иссиқлик энегияси билан таъминлаш ишлари амалга оширилади.

Ушбу ишларга **36 млн. доллар маблағ йўналтирилади.**

Бундан ташқари, куз-қиш мавсумида **168 та ижтимоий соҳа объектларидаги иссиқлик тизимларини** таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу ишларга **26 млрд. сўм** маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, куз-қиш мавсуми учун ажратилган **309,5 минг тонна кўмир ёқилғисидан,** ҳозирга қадар **276 минг тоннаси (90%)** етказиб берилди.

**Ижтимоий соҳа** тўлиқ **100 минг тонна (101%)** кўмир билан таъминланди. **Аҳоли учун** ажратилган **210 минг тонна** кўмир ёқилғисидан ҳозирга қадар **178 минг тонна (85%)** етказиб берилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Аҳолига кўмир ёқилғиси маҳалла кесимида ҳисоб-китоб қилинган рўйхат асосида фуқаролар талабидан келиб чиқиб, маҳалла раиси ёки вакили томонидан жойларга етказилмоқда, **аҳолини кўмир омборларига овора бўлиб** келишига йўл қўйилмаябди.

**Ҳурматли сессия қатнашчилари,**

**“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”**, деган ғоя асосида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

**Бу борада вилоятда ҳам** мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимини янада ривожлантиришни олдимиздаги асосий вазифалардан бири этиб белгилаб олганмиз.

Бугунги кунда, вилоятда **2 минг 762 та мактабгача таълим ташкилотлари** фаолият олиб бормоқда. Уларнинг **543 таси** давлат ҳамда **2 минг 219 таси (шундан, 2044 та оилавий)** нодавлат ташкилотлар ҳисобланади.

Мактабгача таълим ташкилотларига қарийб **200 минг нафар** болалар қамраб олинган.

**Жорий йилнинг ўтган даврида 6 та** давлат, **13 та** давлат-хусусий шерикчилик асосида йирик ва **1 минг 132 та** оилавий болалар боғчалар фаолияти йўлга қўйилди ҳамда **264 та** мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳлари фаолият бошлади.

Ушбу ишлар ҳисобига қўшимча **44 минг нафар** мактабгача ёшдаги болалар жалб этилиб, қамров кўрсаткичи **61,3 фоиздан 75,1 фоизга** етказилди.

**Мисол учун,** Балиқчи туманида **3 та боғчани** реконструкция қилиш, **1 та хусусий** ва **104 та** оилавий боғчалар ташкил этилиши ҳисобига **қамров** бир йилда **25 фоизга ошиб, 89 фоизга** етказилди.

**Келгуси 2022 йилда 14 та** давлат-хусусий шерикчилик асосида йирик боғчалар очиш ҳамда **306 та** оилавий боғчаларни ташкил қилиш, **18 та** давлат боғчаларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, **6 ёшли** болаларни мажбурий таълимга тайёрлаш бўйича

**85 та** тайёрлов гуруҳларини очиш орқали қамров кўрсаткичи камида **82 фоизга** етказилади.

**Ҳурматли сессия қатнашчилари,**

**Халқ таълими тизимида жами 767 та** умумий ўрта таълим мактаблари, **17 та** “Баркамол авлод” болалар мактаблари олиб бораётган бўлиб, уларда **571 минг нафар** ўқувчилар таҳсил олмоқда.

Сўнги йилларда **40 та аниқ, табиий ва чет тили фанларига ихтисослаштирилган мактаблар**, жорий йилда **Президент мактаби** каби мутлақо янги намунадаги замонавий ва инновацион таълим масканлари барпо этилди.

Ҳозирда **41 минг нафар** педагоглардан **38 минг нафари (92,5 фоиз)** олий маълумотли ўқитувчиларни ташкил этмоқда.

Ўқитувчиларимиз томонидан сифатли таълим беришига, албатта уларнинг малака ва компетенцияларини ўз вақтида ошириб боришимиз даркор.

Бу борада, **рус ва инглиз тиллари** бўйича ўқитувчиларни малакасини ошириш учун жами **8 нафар** россиялик ва америкалик мутахассислари жалб этилди.

Чет тилларини билиш бўйича халқаро сертификатларга эга бўлган педагоглар улушини ошириш мақсадида Андижон шаҳрида “**Халқаро сертификатлар олиш имтихонларига расмий тайёрлаш маркази**” ташкил этилиб, жорий йилнинг ўзида ушбу марказда **202 нафар** чет тили ўқитувчилари халқаро даражадаги сертификатларга эга бўлдилар.

Мактаб битирувчилари ўзининг иқтидори ва қизиқишларига мос касбни танлаб олиши, меҳнат бозорида муносиб ўрнини топиши, касбий фаолиятида муваффақиятга эришиши учун “**касбга йўналтириш тизими**” яратилди.

Бу борада “**Андижон тажрибаси**” лойиҳаси доирасида жорий йилда **36,5 минг нафар** 11-синф битирувчиларидан сўровномалар олиниб, қизиқишлари бўйича касб-хунарларга йўналтирилди.

Жорий йилда **57 та** таълим муассасаларининг бўш турган ер ва биноларида тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Натижада, ҳозирда **32,4 минг нафар (90%)** битирувчиларнинг **бандлигини таъминладик.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, ўтган йили **битирувчиларнинг 13 фоизи олийгоҳларга ўқишга кирган бўлса**, жорий йилда бу кўрсаткич **26 фоизга** етди (*9,5 минг нафар*).

Бундан ташқари, **2 минг 814 нафар (8%)** 11-синф битирувчиларимиз профессионал таълимга ўқишга қабул қилинди.

**Келгуси йили** битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари **26** **фоиздан**  
**30 фоизга** оширилади.

Инвестиция дастури асосида **22 та** таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Натижада, кўшимча **7 минг** янги ўқувчи ўрни яратилиб, коэффициент юқори бўлган ушбу мактаблар қуввати **1,9 дан 1,2 коэффициентга** туширилади.

Вилоятда 750 ўринли **4 та** хусусий мактаблар ташкил этилиб, уларнинг умумий сони **21 тага** етказилади.

Шу билан бирга, **12 та** физика-математика, кимё-биология ва информатика фанларига ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади.

Мисол учун, Шаҳрихон туманида **Тошмуҳаммад Саримсоқов** номидаги аниқ фанларга ихтисослашган мактаб фойдаланишга топширилади.

Педагогларни сифат таркибини яхшилаш мақсадида олий тоифали ўқитувчилар улушини **8,1** **фоизга** (ҳозирда **6,5** **фоиз**) ва биринчи тоифалиларни **20,4** **фоизга** (ҳозирда **17,6** **фоиз**) етказиш чоралари кўрилади.

Чет тилини билиш даражаси бўйича сертификатга эга бўлган ўқитувчилар сони **9,5** **фоиздан 16 фоизга** оширилади.

Бундан ташқари, вилоятдаги **170 та** таълим муассасаларининг бўш турган бино ва ер майдонлари давлат-хусусий шериклик асосида касб-хунар ўргатиш шарти билан тадбиркорларга бериш орқали **13 минг нафар** ўқувчилар қамраб олинади.

Шунингдек, мактаблардаги мавжуд **729 та** технология хоналарини қайта жиҳозлаш ҳамда мактабларга яқин ҳудудларда жойлашган касб-хунар таълим муассасалари ва **356 та** ишлаб чиқариш корхона, ташкилотларда ўқувчилар учун **мехнат хоналарини ташкил этиш** орқали **190 минг нафар** 7-11 синф ўқувчиларига касб-хунар ўргатишга шароит яратилади.

### **Хурматли сессия қатнашчилари,**

Таълим-тарбия масаласига комплекс ёндашган ҳолда, боғча, мактаб таълими билан бирга **олий таълим тизимини** ҳам узвий ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бундан 2 йил аввал **4 тани** ташкил этиб, атиги **25 минг нафар** талабаларни қамраб олган эди.

Бугунги кунга келиб, вилоятда олий таълим муассасалари **сони 8 тага** етказилди. Уларга **50 мингга** яқин талабалар қамраб олинмоқда.

Жумладан, жорий йилда Андижон давлат университетининг **Педагогика институти** ҳамда **Полша давлатининг Варшава университети филиали фаолиятини бошлади.**

Олийгоҳларда **2 351 нафар** профессор-ўқитувчилар, шундан **122 нафари фан доктори, 629 нафари фан номзоди** фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилда 90 нафар профессор, доцентлар илмий даража ёқладилар ва илмий даражага эга ўқитувчиларимиз **751 нафарга** етди. Ҳозирда вилоятимизнинг **илмий салоҳияти 32 фоизни** ташкил этмоқда.

Энг қувонарлиси профессор-ўқитувчиларимиз томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ёш авлод учун **40 та янги дарсликлар** ҳамда **151 та ўқув қўлланмалар** ишлаб чиқилиб, фойдаланишга топширилди.

Ёшларни инновацион лойиҳаларга қизиқишларини ошириш, уларни соҳага кенг жалб этиш мақсадида Андижон машинасозлик институтида қиймати **6,5 млрд. сўмлик “Ёшлар технопарки” инновацион маркази** ўз фаолиятини бошлади.

Олийгоҳларнинг инфратузилмасини янада яхшилаш, ўқувчиларнинг ётоқхоналарга бўлган эҳтиёжини қоплаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Ўтган ўқув йилида талабларнинг ётоқхона билан таъминланиш даражаси **39 фоизни** ташкил этган эди.

Бу йил **14 та** талабалар турар жойлари қувватларини ошириш ҳисобига бу кўрсаткич **84 фоизга** етказилди (7249 ўрин).

**2022 йилда** давлат-хусусий шерикчилик асосида **4 та 1800 ўринли** талабалар турар жойлари фойдаланишга топширилади ҳамда ётоқхона билан таъминланиш даражаси **90 фоизга етказилади**.

Бундан ташқари, вилоятда **4 та янги олийгоҳ** ташкил этилади.

*Жумладан, Андижон чет тиллари институти, Само кластер инновацион технологиялар институти, Ҳиндистон давлатининг Глокал университети ҳамда АйТи технологиялар университети.*

Шунингдек, Андижон давлат тиббиёт институтида **1000 ўринли** ва Андижон машинасозлик институтида **300 ўринли** ўқув бинолари фойдаланишга топширилади.

### **Хурматли сессия қатнашчилари,**

**Ислохот ижроси сўзда эмас, амалда таъминлансагина кўзланган натижага эришилади.** Мамлакатимизда кечаётган бугунги янгиланишлар жараёнини таҳлил қилсак, ана шу жиҳатга асосий эътибор қаратилаётганини кўрамиз.

Хусусан **тиббиёт йўналишини** олайлик. Давлатимиз Раҳбарининг ташаббуси билан ушбу соҳани ривожлантириш, аҳолининг тиббий хизматлардан розилигини таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада вилоятда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш учун **60 та** оилавий поликлиникаларга УЗИ ва ЭКГ аппаратлари етказиб берилди.

**Шунингдек, ихтисослашган тиббиёт марказлари** учун **3 млн. долларлик** замонавий тиббий асбоб-ускуналар олиб келинди.

Бундан ташқари, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг бинолари капитал таъмирланди ва **тиббий асбоб-ускуналар** билан жиҳозланди. Бунинг ҳисобига беморларга **марказда кўз касалликлари бўйича юқори технологик** тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ушбу муассасада **сунъий қон айлантириш аппаратлари орқали очик юрак операциялари** ўтказилмоқда. Жорий йил бошидан буён **65 нафар** беморларда **мураккаб юрак очик жарроҳлиги амалиёти** ўтказилди.

Кардиология марказида, шунингдек, Клиника ва “Импульс клиник” хусусий шифохонасида беморларда **ангиография, коронарография ва юрак тож томирларини стентлаш** амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Ўтган давр давомида **1,5 минг нафар** беморларда коронарография ва стентлаш амалиётлари муваффақиятли ўтказилди.

**Вилоят эндокринология диспансери ҳамда Тери таносил касалликлари диспансерига** ҳам юқори технологик тиббий асбоб-усқуналар келтирилиб, беморларнинг Тошкент шаҳрига бормасдан вилоятнинг ўзида даволанишларига шарт-шароит яратилди.

Бундан ташқари, Онкология марказида **НУР терапия** бўлими ишга туширилди, шунингдек, мобиль **маммограф** билан таъминланиб, жойларда аёлларни скрининг текширувдан ўтказиш имконияти яратилди.

Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида **аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси янада яхшиланиб, одамларнинг овворагарчилиги кундан-кунга қисқариб бормоқда.**

Мисол учун, бундан **4-5 йил олдин** Тошкентдаги ихтисослаштирилган марказларга бир йилда ўртача **15 мингга** яқин фуқароларимиз даволанишга бориб келар эди.

Бугун эса, юқоридаги кўрсаткич **5 баробарга** қисқарди. Ҳозирда Тошкент шаҳрига кетаётган беморлар сони **3-3,5 минг нафарни** ташкил этмоқда.

Айниқса, **кардиология, эндокрин, болалар кардиохирургияси йўналишларида** Тошкент шаҳрига даволаниш учун бориш кўрсаткичи **сезиларли даражада пасайди.**

### **Хурматли сессия қатнашчилари,**

Тўғри, тизимда қилинаётган амалий ишлар билан бир қаторда, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган масалалар ҳам мавжуд. Масалан, патронаж хизмати, кадрлар танқислиги, тиббиёт муассасаларининг замонавий тиббий анжомлар билан таъминланганлик даражаси каби муаммолар бор.

Шу каби камчиликларни бартараф этиш, фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, бу борада олиб борилаётган ишлар, саъйи-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш мақсадида аҳоли орасида тиббий хизматдан **рози ёки норозилигини** билиш мақсадида **сўровнома** ўтказдик.

Хусусан, **1 млн. 600 минг та** сўровномани чиқариб аҳолига тарқатдик. Ушбу сўровнома ҳақиқатдан тиббиёт соҳасида қилишимиз **зарур бўлган ишларимиз кўплигини кўрсатди.**

Сабаби, таҳлил яқунларида сўровномада қатнашганларнинг **74 фоиз (744,5 минг нафар)** аҳоли кўрсатилаётган тиббий хизматни **қониқарли баҳолади, лекин 26 фоиз (269,5 минг нафар)** аҳолимиз қисман ва умуман **тиббий хизматдан норозилигини билдирди.**

Шу билан бирга, **80 фоиз** аҳоли оила шифокори ва патронаж ҳамшираларнинг ишини ижобий баҳолаган бўлса, **20 фоиз аҳоли уларнинг ишидан норозилигини билдирган.**

Сўровномада **юррак-қон томир (12%, 134 минг нафар), қандли диабет хасталиги (5,4%, 60 минг), камқонлик (20,1%, 224 минг) ва бўғим касалликлари (6%, 67 минг) энг кўп тарқалганлиги** маълум бўлди.

Мисол учун, сўровномада **60 минг нафар ёки 5,4 фоиз** аҳоли қандли диабет касаллиги билан оғриб туришини айтиб ўтган.

Ваҳоланки, ҳозирда эндокринология диспансери назоратида **1 фоиз** аҳоли туриши кўрсатилган. Бунинг сабаби бирламчи тизимда эндокрин касалликларни аниқлаш ва уни назоратга олиш етарли эмаслигини кўрсатди.



Хусусан, бу кўрсаткич Андижон туманида энг юқори **9,1 фоиз** аҳоли қандли диабетдан азият чекади.

Кейинги ўринларни **Хонобод шаҳар (7,7 фоиз), Олтинкўл тумани (7,3 фоиз), Пахтабод тумани (7,3 фоиз)** эгаллади.

Сўровнома натижасида биз касалликларни манзилли рўйхатларини шакллантириб олдик. Энди аввалги тизимга ўхшаб юрак қон-томир касаллиги юқори бўлган ҳудудга хирург ёки эндокринологларни юбормаймиз.

Ихтисослаштирилган **марказларни манзилли, касаллик турига қараб аниқ мақсад билан юборамиз.**

Сўровномада яна бир масалага ойдинлик киритдик.

Вилоят бўйича **жами 118 та** оила шифокори ўрни **вакант эди.**

Ушбу вакант ўринларга Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаётган **118 нафар** битирувчи курс талабаларини яшаш манзилларидан келиб чиқиб бириктириб чиқдик.

Уларни **ярим ставкадан** ишга жойладик. Ўртача **1,5 млн. сўм** ойлик олади ҳам амалиётини ўша ерда ўтайди.

**Хурматли сессия қатнашчилари,**

Давлатимиз Раҳбари томонидан сайловолди учрашув давомида Андижон давлат тиббиёт институти ва унинг клиникаси фаолиятини янада ривожлантириш бўйича топшириқ берилган эди.

**Мана бир ойдан ўтди 11 та** салоҳиятли пудрат ташкилотлари бириктирилиб, Клиникада ишлар бошланди. Бу ўзгаришларни **халқимиз ич-ичидан сезяпти десам ҳам тўғри бўлади.**

Клиниканинг мавжуд бино ва иншоотларни тўлиқ замонавий архитектура ва шаҳарсозлик қоидалари асосида таъмирлаш учун **150 млрд. сўм** маблағ ажратилмоқда.

Яна бир масала, клиникани замонавий юқори технологик **тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш** учун зарур бўлган **70 млрд. сўмдан** биринчи босқичда **38 млрд. сўми** ажратилди.

**Келгуси йили** Клиникани замонавий кўринишга келтириб, халқимизга фойдаланиш учун топширамиз.

Клиникамиз ишга тушгандан сўнг, бирорта беморларимиз **Ҳиндистонга ҳам, Республика марказларига ҳам** бормайди.

Клиника нафақат Андижон халқига, балки бутун водий вилоятларига, қолаверса қўшни Қирғизистон Респбликаси фуқароларига ҳам хизмат кўрсатадиган барча **350 турдаги операцияларни ўтказадиган “тиббиёт маркази”га** айланади.

**2022 йилда** бирламчи тиббиёт муассасаларида **85 та** алоҳида ҳамширалик қабул пунктлари ташкил этилади.

**100 та** хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилади.

Шу билан бирга, **9 та** тиббиёт муассасаларида қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилади.

Балиқчи, Шахрихон, Қўрғонтепа ва Пахтаобод туманларида **4 та туманлараро перинатал марказлар, шунингдек, Бўстон туманида туманлараро жаррохлик травматология** маркази ташкил этилади.

Эндокринология диспансерига беморларнинг дори-дармон харажатлари учун маҳаллий бюджетдан қўшимча **2,5 млрд. сўм** маблағ ажратилиб, беморлар **100 фоиз** бепул дори-дармон билан таъминланади.

Аҳолининг хавfli гуруҳига мансуб **1 млн.га яқин ҳомиладор аёллар ва 14 ёшгача бўлган болаларни** 2022 йил 1-ярим йиллигида маҳаллий бюджетнинг **750 млн. сўм** маблағлари ҳисобидан **йод препаратлари** билан бепул таъминланади.

Шунингдек:

- **100 минг нафар** аҳоли скрининг кўригидан ўтказилади, қон босими ва диабетни даволаш учун зарур дорилар бепул тарқатилади;

- **900 минг нафар** болалар ва ҳомиладор аёллар **7 турдаги** витаминлар билан бепул таъминланади;

- **20 мингдан** зиёд аҳоли учун, ошқозон-ичак, жигар, ўт пуфагидаги жаррохлик амалиётлари туманнинг ўзида амалга оширилади;

- **45 ёшдан ошган 400 минг аёлларда** онкологик касалликларни барвақт аниқлаш учун текширувдан ўтказилади;

- **5,2 минг нафар** беморларда ангиография ва коронаграфия текшируви, юрак тож томирларини стентлаш амалиётлари ўтказилади (*2021 йилга нисбатан 5 баробарга ортади*).

**Юқоридаги ишлар натижасида, касалликлар бўйича ўлим кўрсаткичи 15 фоизга, сурункали асоратлар 3 баробарга камайишига эришилади.**

**Хурматли сессия қатнашчилари,**

**Соғлом турмуш тарзини** кенг тарғиб қилиш, аҳолини **оммавий спортга кенг жалб** этиш, спорт билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, спорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда **жами 5 минг 279 та спорт иншоотлари мавжуд бўлиб**, аҳоли ва ёшларни спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Аҳолини, айниқса ёшларни **оммавий спортга кенг жалб** қилиш мақсадида умумтаълим мактабларининг спорт иншоотларида соат **16-00дан 23-00га** қадар аҳолининг барча қатламлари томонидан фойдаланиш тизими йўлга қўйилди.

Вилоятда **71 млрд.сўм** эвазига **50 км** узунликда “Саломатлик йўлаклари” ҳамда **49 км** узунликда “Велосипед йўлакчалари” ва **856 та** воркаут майдончалари ташкил этилди.

Бундан ташқари, **жорий йилда корхоналар, ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар** томонидан **61 та** сунъий қопламалик футбол майдонлари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунга қадар, аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида қарийб **19 мингдан ортиқ** оммавий жисмоний тарбия ва **спорт тадбирлари** ўтказилиб, уларга **890 минг нафардан зиёд** ёшлар жалб этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида Андижон вилояти аҳолини жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига қатнашиши **19 фоиздан 30 фоизга** етказилди.

Бундан ташқари, **14-декабрь кунидан — 14 январь** кунига қадар вилоятда **“Саломатлик ойлиги”**га старт берилди.

**“Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам”** шиори остида **пиёда ва велосипедда** юриш тадбирлари, спорт мусобақалари ўтказиш, антропометрик кўрсаткичларни яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Натижада, қисқа вақт давомида олиб борилган тарғибот ишлари натижасида **“Соғлом турмуш тарзи” платформасида Андижон вилояти 9-ўриндан - 4-ўринга, водий вилоятлари орасида эса 1-ўринга** кўтарилди (*Фарғона вилояти 5-ўрин, Наманган вилояти 11-ўрин*).

Саломатлик биринчи навбатда, ҳар бир инсоннинг ўзига керак эканлигини чуқур англаган ҳолда, соғлом туршум тарзини янада кенгроқ тарғиб қилиб, бу борадаги ишларни кучайтиришимиз зарур.

**Ҳурматли сессия қатнашчилари,**

**Туризм йўналишида,** вилоятимизда **422 та маданий мерос** объектлари мавжуд бўлиб, шундан, **91 таси зиёрат объектлари** ҳисобланади.

2021 йилда **2 та** янги меҳмонхоналар, **3 та** хостеллар куриб фойдаланишга топширилди. **26 та** меҳмон уйлари ва **5 та** туроператорлик фирмаларига лицензиялар берилди.

Вилоят бўйича туризм маршрутлари **9 тадан 15 тага** кўпайди.

Хонобод шаҳрида **1000 дан ортиқ** дала ҳовли ва оилавий меҳмон уйлари куриб фойдаланилиши натижасида ташриф буюрувчи ички ва ташқи туристлар сони олдинги йилларга нисбатан **20 баробарга** ортди.

Жорий йилда **14 минг нафар** сайёҳлар вилоятга ташриф буюрган бўлса, **19 минг нафар** фуқаролар вилоят ва мамлакат бўйлаб саёҳатга чиқдилар.

**2022 йилда** туризм соҳасини ривожлантириш, сайёҳлар сонини ортиши ва кадрлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, **57 та меҳмонхоналарни** (*12 та меҳмонхоналар ва 45 та меҳмон уйлари*) ишга тушириш, **12 та янги туроператорлик** фирмаларини ташкил этиб, уларнинг умумий сонини **48 тага** етказиш, **85 мингдан ортиқ** маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш орқали хизмат кўрсатиш ҳажмини **1,5 баробарга** оширилади.

Мисол учун, Андижон шаҳрида "Метар рич" МЧЖ томонидан қиймати **6 млн. доллар** бўлган беш юлдузли **200 ўринли** замонавий меҳмонхона ташкил этилмоқда.

Хонобод шаҳрида туризмни ривожлантиришда улкан салоҳиятларимиз мавжуд.

Жумладан, Хонобод шаҳрида **“Лайф Хонобод”** инвестиция ва туристик лойиҳаси доирасида **1-босқичда** курилиш ишлари олиб борилмоқда — келгуси йилда **“Вотер Лайф Минерал” МЧЖ** томонидан қиймати **20,7 млн. доллар** бўлган **қадоқланган минерал сув**

**ишлаб чиқаришни** ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилади ва **200 та** янги иш ўринлари яратилади.

Бундан ташқари, **Хонобод шаҳрини “Водий туризм маскани”га** айлантириш учун, Кампирравот маҳалласида бўш турган **66 гектар** майдонда қиймати **35 млн доллар** бўлган **“Сунъий кўл”** ва дам олиш ва кўнгил очар масканлар барпо этиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Бу ерда камида **950 та** иш ўрни ташкил этилади, йилига **1,8 млн. нафар** аҳолининг дам олиши учун имконият яратилади.

Маҳаллий бюджетга қўшимча **7 млрд. сўм** тушум туширилади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Жорий йилда **рақамли иқтисодиётни ривожлантириш** бўйича туб бурилиш қилишимиз кераклигини чуқур англаган ҳолда олдимизга алоҳида чора-тадбирларни белгилаб олиб, ишларни олиб бораёмиз.

Ҳозирги кунга келиб вилоят бўйича умумий марказлар **сони 37 тани** ташкил қилмоқда. Жумладан, барча шаҳар ва туманларда **16 та “Рақамли технологиялар ўқув марказлари”** фойдаланишга топширилди. Шунингдек, **АйТи-Техникум** ташкил этилди.

Бундан ташқари, **АйТи парк** томонидан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида **16 та** рақамли мактаб лойиҳаси ишга туширилди.

Мазкур ўқув марказларида бугунги кунда **7 мингдан зиёд** ёшлар компьютер технологиялари соҳасида курсларни муваффақиятли тамомлади, **1,4 минг нафари** ўқишни давом эттирмоқда.

2021 йилда **3 минг км** оптик толали алоқа тармоқлари қурилиб, **20 мингдан** ортик аҳоли учун, **1,5 мингдан ортик ижтимоий** соҳа объектларига телекоммуникация хизматлари тақдим этиш имконияти яратилди.

Йил бошида вилоятдаги мавжуд **767 та** мактабдан **273 таси “Бир миллион дастурчи”** лойиҳасида қатнашган бўлса, ҳозирга келиб **барча мактаблар** мазкур лойиҳа иштирокчиси бўлди.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида бугунги кунга қадар **205 минг нафар** ёшлар рўйхатдан ўтиб, **136,4 минг нафар** битирувчи **сертификатни қўлга киритди.**

**2022 йилда** оптик толали алоқа тармоқлари узунлигини **5,3 минг кмдан 12 минг кмга,** шунингдек, АйТи мактаблар сони **6 тадан 12 тага** етказилади.

Барча аҳоли масканларида кенг полосали мобил алоқа ва интернетга уланиш имконияти қамрови даражасини **95 фоиздан 99 фоизга** етказилади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Ҳукуматимиз томонидан **қишлоқ хўжалиги соҳасига** қаратилаётган эътибор ҳамда яратилаётган шарт-шароитлар сабабли **қишлоқ хўжалиги йўналиши** ислохотлари изчил амалга ошириб келинмоқда.

Вилоятда 2021 йилда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида юқори натижаларга эришилди.

Жумладан, жорий йилда вилоятда қарийб **79 минг гектар** майдонда **пахта етиштирилиб**, шартномадаги **278 минг тонна** ўрнига амалда қарийб **280 минг тонна** ҳосил йиғиштириб олинди.

Пахтачилик йўналишида **кластер тизимининг** ташкил қилинганлиги ҳисобига ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик вилоят бўйича жорий йилда **ўртача 35,4 центнерданни** ташкил қилди.

Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 2016 йилга (*26,8 ц/га*) нисбатан қарийб **9 центнерга**, 2020 йилга (*33,8 ц/га*) нисбатан қарийб **2 центнерга** оширилди.

Агар жорий йилда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида қарийб **30 минг нафар** ёшларга ажратиб берилган **3 минг гектар** майдонларга пахта экилмаганлиги инobatга олинса, ҳар гектар ердан олинган ўртача ҳосилдорлик қарийб **37 центнерни ташкил қилди**.

Ер майдонлари қисқарган бўлсада, пахта ҳосилдорлиги ошиши таъминланди.

### **Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

**Пахта йиғим-теримини ташкил қилишда** олиб борилаётган ислохотлар натижасида “**Инсон қадр**и” тобора кўтарилиб бормоқда. Илгари пахта йиғим-терими мавсумида “**7 ёшдан 70 ёшгача ҳамма пахтага**” шиори билан ишлаган эдик.

Пахта йиғим-теримига чиқмаган ўқувчи, талаба, ўқитувчи ёки шифокор, ким бўлишидан қатъий назар жазоланар эди. **Пахта теримига чиқмаган фуқарога бамисоли “халқ душмани”** сифатида қаралар эди.

Ҳурматли Юртбошимиз кўрсатмалари асосида бугун ҳар бир соҳанинг **ўз эгалари топилиб**, етиштирилган пахта фақат кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари ишчи-хизматчилари ёрдамида териб олинди.

Жорий йилда вилоятда пахта терими мавсуми давомида **бирор марта мажбурий меҳнат, болалар меҳнати ҳолатларига йўл қўйилмади**. Бундай теримни ташкил қилиш илгари бамисоли эртак ҳисобланарди.

**Механизация хизмати даражасини ошириш** мақсадида 2021 йилда 54 млрд. сўмлик **380 дона** техника сотиб олдик, келгуси 2022 йилда эса 130 млрд. сўмдан ортиқ **422 дона** янги техникалар сотиб олишни мақсад қилиб олганмиз.

Бугунги кунда кластер корхоналари ҳисобида **17 та** пахта териш машиналари мавжуд, улар билан 2019 йилда **атиға 1,5 минг тонна** пахта машинада терилган бўлса, **жорий йилда 17 минг тоннадан** ортиқ пахта териб олинди.

Вилоятга 2023-2026 йилларда **жами 800 та** пахта териш машиналарини сотиб олиш режалаштирилмоқда. Натижада, пахта теришни механизациялаш даражаси **қарийб 70 фоизга ошиб**, қўл меҳнатини камайишига ва пахта харажатларининг камайишига олиб келмоқда.

### **Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

**Пахтачиликда пахта-тўқимачилик** корхоналари ташкил этилиши ҳисобига кейинги 3-4 йил ичида **43 та** янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, **40 минг нафардан** ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Натижада ҳозирда, пахта толасини қайта ишлаш даражаси **176 фоизни** (2017 йилда 55,4 фоиз), ип калавани қайта ишлаш даражаси эса **110 фоизни** (2017 йилда 25,4 фоиз), матони бўяш **85 фоизни** (2017 йилда 10 фоиз) ташкил этмоқда.

Кластерлар томонидан **2022 йилда пахтани чуқур қайта ишлаш даражаси 60 фоизга, 2023 йил якуни билан – 100 фоизга** етказиш режасини олмоқдамиз.

**Бунинг учун, 2022-2023 йилларда** пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан умумий қиймати **200 млн. доллар** ташкил этувчи, **30 мингдан** зиёд янги иш ўрнига эга жами **31 та лойиҳалар** фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Мисол учун, Балиқчи туманида “Тетратех” МЧЖ томонидан **100 млн.долларлик** лойиҳалар хисобига **10 минг нафар** ишчи ўрин яратилади.

Шунингдек, пахта етиштиришда илмий ёндашиш орқали, **пахта етиштириш харажатларини камайтириш ва механизация даражасини ошириш, сув тежовчи технологияларни қўллаб, вилоятнинг ҳосилдорлик даражасини ўртача 40 центнердан** оширишга эришамиз.

Мазкур ишларни амалга оширишимиз натижасида, **325 минг тонна** (120 минг тонна тола олинади) пахта хом-ашёси етиштиришга эришилади ва мавжуд кластер корхоналарининг қувватларига нисбатан **50 минг тоннадан** ортиқ ёки **13 минг гектар** ер майдонидаги пахта-хом ашёси ортиб қолади.

Бу эса вилоятдаги бошқа тўқимачилик корхоналарига кластер бўлиш имконияти яратилади.

Вилоят бўйича **7 та туманда камида 2 тадан ортиқ кластер корхоналарини** ташкил этиш орқали жойларда рақобат муҳити яратилади ва пахта етиштириш ҳажмини ортишига фермер хўжаликларини кўпроқ даромадли бўлишига эришилади.

Энг муҳими, янги пахта тўқимачилик кластер корхоналарини ташкил этиш ҳисобига қарийб **80 миллион доллар** қўшимча инвестициялар ўзлаштирилади ва **8,5 минг нафар** янги доимий иш ўринлари яратилади.

Натижада, кейинги 5 йил давомида тўқимачилик корхоналарида **100 минг дан ортиқ ишчи ўринлари** яратилади ва умумий текстил йўналишида вилоятнинг экспорт ҳажми **1 млрд. доллардан** ортади.

Саноат маҳсулотлари ҳажмига **10 трлн. сўмдан ортиқ қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари** яратилади (ҳозирда 5 трлн. сўмлик тўқимачилик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади).

**Вилоятда 2022 йилда 79 минг гектарга** чигит экиш режалаштирилмоқда, ушбу майдонлардан жами **278 минг тонна** пахта ҳосили етиштириш прогноз қилинмоқда. Ҳар гектар ердан олинadиган ҳосилдорликни **ўртача 40 центнерга** етказиш кўзда тутилмоқда.

Сабаби, 2022 йилда вилоятдаги пахта майдонларидан қарийб **4,5 минг гектар** ер майдонлари фуқароларга **10 сотихдан** қилиб 10 йилгача ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилади.

Бу эса ўз навбатида мавжуд майдонларда ҳосилдорликни оширишни талаб этади.

**Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

**Ғаллачиликда** ҳам жорий йилда юқори натижаларига эришилди. Жумладан, **76 минг гектардан** зиёд майдонларда деҳқончилик қилиниб, **жами 516 минг тонна ялпи ҳосил етиштирилди.**

Ҳар гектар ердан олинган ялпи ҳосилдорлик вилоят бўйича ўртача **70 центнерни** ташкил қилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 2016 йилга (*55 ц/га*) нисбатан қарийб **15 центнерга**, 2020 йилга (*68 ц/га*) нисбатан қарийб **2 центнерга** оширилди.

Ғаллачиликда давлат буюртмасидан воз кечилиши ҳисобига жорий йилда фермер хўжаликлари ихтиёрида ҳар йилгига нисбатан кўп, **300 минг тоннага яқин дон қолди.**

**Келгуси 2022 йилда** ғалла ҳосили учун **76 минг гектарда** бошоқли дон парвариш қилинмоқда.

Ушбу майдонлардан олинадиган ялпи ҳосил **608 минг тоннага**, ҳосилдорлик эса ўртача **80 центерга** етказилади.

Натижада келгуси йилда, ғалла етиштирувчиларнинг ўзида қоладиган дон **400 минг тоннадан** ортади.

### **Хурматли сессия иштирокчилари!**

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доирасида олиб борилаётган ислохотлар **мева-сабзавотчиликда** ўз самарасини кўрсатмоқда.

Айниқса, **мева-сабзавотчиликда ҳам пахта ва ғалла етиштиришдаги каби Жамғарма маблағлари** ҳисобидан имтиёзли кредитлаш тизимининг ташкил этилганлиги боғбонлар ва сабзавоткор фермерларда меҳнатга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириб бормоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доирасида вилоятда 2021 йилда **жами 2,9 млн. тоннадан** зиёд маҳсулот етиштириш режалаштирилган. Амалда **жами 3,1 млн. тоннага (107%)** яқин маҳсулотлар етиштирилди.

Етиштирилган маҳсулотлар ҳисобига бугунги кунда вилоятда мавжуд 3,2 млн.га яқин аҳолининг **маҳсулотлар билан таъминланиш даражаси ортиғи билан** қопланмоқда.

*Жумладан, 1,8 млн. тонна сабзавот, 379 минг тонна картошка, 184 минг тонна полиз, 683 минг тонна мева ва 93 минг тонна узум етиштирилди.*

**2022 йилда** вилоятда **жами 3,2 млн. тонна** мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, 2022 йилда **6 та** туманларнинг адирлик қисмида **жами 511 гектар** иссиқхоналар ташкил қилинади.

**Бундан ташқари,** 2022-2023 йилларда Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида Андижон туманида **45,5 млн. доллар** миқдорида хорижий кредит маблағлари ҳисобига **23 гектар майдонда йирик логистик маркази** барпо этилади.

Лойиҳа доирасида, **12,6 минг м<sup>2</sup>** савдо майдони, **19,6 минг тонна** бўлган **12 та қайта ишлаш** линиялари, **5 та дастлабки қайта ишлаш технологик** линиялар ва йилига **256 минг тоннагача** маҳсулотга хизмат кўратадиган **15000 м<sup>3</sup> сиғимга** эга совутгичлар барпо этилади.

## **Хурматли сессия қатнашчилари,**

Вилоятда **чорвачиликни ривожлантириш**, соҳага замонавий технологиялар жалб қилиш, чорвачиликда наслчилик ишларини ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жорий йилда **умумий қиймати 371 млрд. сўм бўлган 192 та чорвачилик лойиҳалари тўлиқ** ишга туширилди.

*Натижада, 4,6 минг бош қорамоллар, 6 млн. бош паррандалар, 19 минг бош қўёнлар, 6 минг та асалари оилалари парвариши йўлга қўйилди, 86 гектар майдонда балиқ ҳовузлари ташкил қилиниб, интенсив усулда балиқ парваришлаш йўлга қўйилди.*

Шу билан бирга **4,3 минг бошдан зиёд насли моллар** Германия, Польша, Австрия ҳамда Украина давлатларидан олиб келиниб, парваришлаш йўлга қўйилди.

Натижада, **гўшт етиштириш 103 фоизга (160,3 минг тонна), сўт ишлаб чиқариш 105 фоизга (1 млн. 28 минг тонна), тухум ишлаб чиқариш 105 фоизга (731 млн. дона)** ўсиши таъминланди.

Вилоят аҳолисини гўшт маҳсулотларига бўлган талабини етишмаган қисмини қоплаш мақсадида **Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот туманида 4 та йирик чорвачилик комплексида 200 бош насли қорамол боқиш ташкил** этилди.

Шунингдек, **Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида 40 млн. долларлик 15 та лойиҳалар амалга оширилмоқда (10 та қорамол, 2 та парранда, 1 та қўйчилик, 10 гектарда иссиқхона, 1 та пахта кластери).**

Ҳозирги кунда Андижон вилоятидан Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманига **25 та юқори унумли техникалар бориб**, ажратилаётган ер майдонларида ишламоқда.

Бундан ташқари, **балиқчиликни** ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш мақсадида вилоят бўйича жами **81 та лойиҳаларда 109 гектар** майдонда, шу жумладан, **Улуғнор туманида 84 гектарда** интенсив усулда Хитой технологияси асосида балиқ ҳовузлари ташкил этилди.

**Ушбу ховузларнинг ҳар бир гектарида ўртача 55 тоннадан, максимал 80 тоннагача балиқ етиштирилмоқда.**

Ўтган йили **17 минг тонна** балиқ етиштирилган бўлса, жорий йил якуни билан бу кўрсаткич **23 минг тоннага етказилиб, талаб (22 минг тонна) 104 фоизга қопланиши** кутилмоқда.

**Келгуси 2022 йилда** вилоятда чорвачилик соҳасида жами **188 та лойиҳалар амалга** оширилади.

Бунинг ҳисобига вилоятдаги мавжуд аҳолини **гўшт билан таъминланиш даражаси** киши бошига 36 кг.га етказилиб, талаб **84 фоизга, сўт билан таъминланиш даражаси** киши бошига 333 кг.га етказилиб, талаб **287 фоизга, тухум билан таъминланиш даражаси** киши бошига 236 донага етказилиб, талаб **114 фоизга, балиқ билан таъминланиш даражаси** киши бошига 9,3 кг.га етказилиб, талаб **130 фоизга қопланиши** режалаштирилмоқда.



## Хурматли сессия қатнашчилари,

Ички бозорларни асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тизимли ва кафолатли тўлдириш ҳамда **нархларни барқарор** сақланишини таъминлаш бўйича барча зарурий чоралар қўрилмоқда.

Жорий йил **қиш-баҳор мавсуми** учун вилоят аҳолиси ва ижтимоий муассасаларда режадаги **жами 62 минг тонна**, шунингдек, **25 минг тонна картошка**, **14 минг тонна пиёз**, **16 минг тонна сабзи ва 7 минг тонна гуруч маҳсулотлари захирага жамғарилди.**

Бундан ташқари, вилоятдаги бошқарма, ташкилотларнинг ишчи-ходимлари учун кўшимча **жами 5,5 минг тонна** маҳсулотлар захира қилинди.

Захирага жамғариладиган маҳсулотлар учун тижорат банклари томонидан **7,3 млрд.сўм имтиёзли кредит** маблағлари ажратилди.

Ушбу маблағларга **четдан жами 1 минг 800 тонна картошка**, шундан, **1 минг 400 тоннаси дехқон бозори томонидан** олиб келиниб, **советкичларга жойлаштирилди.**

Бундан ташқари, **“Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш”** жамғармаси ташкил қилиниб, **8 млрд.сўм** маблағ ажратилди.

Ушбу маблағлар **гўшт, ўсимлик ёғи, шакар, картошка, гуруч маҳсулотлари учун ажратилиб**, узлуксиз етказиб берилиши назорат қилиб борилмоқда.

Аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида **деҳқон бозорларида** Бош прокуратура ҳузуридаги департамент, солиқ, монополияга қарши курашиш бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар сектор раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, бозорлардаги **нарх-наво** кунлик назорат қилиб борилмоқда.

**“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи”** бозоридаги нарх-наво вилоят ҳокимлиги, департамент, бозорлар уюшмасидан томонидан алоҳида назоратга олиниб, **улгуржи бозордан тўғридан-тўғри маҳсулотларни дехқон бозорларига олиб бориб сотиш тизими** йўлга қўйилган.

Бозорларда ташкил этилган **“Даладан дастурхонгача”** савдо ярмаркалари узлуксиз фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, **янги йил байрами муносабати** Андижон шаҳрининг аҳоли **гавжум** ва кўп қаватли уйлар жойлашган **16 та** ҳудудида ҳамда туманлар марказларида озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **ярмаркалари ташкил этилди.**

Ушбу савдо ярмаркаларида аҳоли талабидан келиб чиқиб, асосий **40 турдан ортиқ** озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозор нархларидан **30 фоизгача** арзонлаштирилган ҳолда сотилиши йўлга қўйилди.

Ташкил этилган ярмаркалар кутилган натижани беряпти. Ярмарка ташкил этилганидан сўнг, Андижон шаҳридаги **3 та дехқон бозорларига харидорлар қатнови 40 фоизгача камайди.**

Мисол учун, **Марказий** деҳқон бозорига кунига ўртача **7-8** минг та харидор кирар эди. Ҳозирда уларнинг сони **4 минг нафаргача** пасайган.

Ёки ушбу бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси **35 фоизгача** пасайган, битта точкадаги мева сотувчининг кунлик савдоси **1-1,5** млн. сўмдан **300-350** минг сўмга тушган.

### **Хурматли сессия қатнашчилари,**

Вилоятда **2021** йилда **тўрт босқичда** ипак қурти парвариш қилиниб, жами **2** минг **912** тонна **пилла** етиштирилиб, шартномавий режа ортиғи билан бажарилди.

Ҳар бир кути ипак қуртидан олинган ўртача ҳосилдорлик **56** килограмми ташкил қилди. Бу кўрсаткич ҳар йилгига нисбатан ўртача **1** килограммга ошди.

**Пиллачилик тармоғида 6 та пиллани қайта ишлаш корхоналари кластер сифатида фаолият олиб** бориб, улар томонидан **пилла хомашёсини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тизимлари** ташкил қилинмоқда.

**2021** йилда **пиллачилик** йўналишида умумий қиймати **15** млрд. сўмлик **4 та инвестиция** лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига **645 нафар** янги иш ўринлари яратилди.

**Пиллачиликда хом-ашёни қайта ишлаш орқали 13 млн. долларлик** маҳсулотлар экспорт қилинди.

Бундан ташқари, **2021** йилнинг баҳор ва куз фаслларида **8,5** млн. тупдан **ортик кўчатлар** экилиб, тармоқда мустаҳкам озуқа базаси яратиш чоралари кўрилди.

**Олимлар билан биргаликда янги тут дарахти навларини яратиш устида ҳам ишлар олиб борилмоқда.**

**Мисол учун,** бир неча йиллик тажриба ва синовлардан сўнг, **Марҳамат туманидаги** Тут уруғи ва кўчатчилигига ихтисослашган ипак фермер хўжалиги томонидан **серҳосил янги тут нави ихтиро** қилинди. Давлатимиз Раҳбарининг ташаббуси билан янги навга “**Янги Андижон**” номи берилди.

Янги нав барг ҳосилдорлиги бўйича аввалги маҳаллий навларга нисбатан **6-8 баробар,** мевасининг тўйимлилиги ва дориворлиги ҳамда кўпайтиришда қулайлиги билан ажралиб туради.

Ҳозирда хўжалик томонидан Қозоғистон Республикасига қиймати **2,5** млн. доллар бўлган **7,5** млн. туп тут кўчатларини етказиб бериш бўйича шартнома тузилган бўлиб, Ҳозирда **500** минг долларлик экспорт амалга оширилди (*1,5 млн. туп*).

**Келгуси йилда** тармоқда **жами 3** минг **111** тонна пилла етиштириш режалаштирилмоқда, шунингдек, **14,4** млн. доллари миқдорида экспортни бажариш кўзда тутилмоқда.

Ипакчиликда мустаҳкам озуқа базасини яратиш мақсадида **2022** йилнинг баҳор ва куз мавсумида **жами 10** млн. туп тут кўчатлари экиш ишлари амалга оширилади.

Бундан ташқари, **2022** йилда пилла хом-ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича қиймати

**46 млрд. сўм бўлган 6 та** лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар ҳисобига **400 нафар** янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, “Адрас”, “Атлас” ва “Аъло бахмал” материаллари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудларга дастгоҳлар ўрнатилиб, **4200 нафар** ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Умуман, пиллачилик тармоғида келгуси йили **жами 131,5 минг нафар** (шундан, доимий **13,4 минг нафар**) фуқаролар бандлиги таъминланади.

### **Хурматли сессия қатнашчилари,**

2021 йилда **жами 40 минг гектар** майдонда сув тежовчи, шу жумладан **23 минг гектар** майдонда **томчилатиб суғориш** технологияси жорий қилинди, **16,4 минг гектарда** лазерли текислаш ишлари бажарилди.

**Ирригация объектлари** бўйича 2021 йилда **47 млрд.сўм** миқдорида маблағ ҳисобидан **62 км** канал ва лоток тармоқлари, **13 км** селетрактлар, **1 дона** гидротехник иншоот реконструкция қилинди. Натижада, **12 минг гектар** экин майдонларининг сув таъминоти яхшиланди.

Жорий йилда амалга оширилган ишлар ҳисобига вилоят бўйича **жами 671 млн. куб метр** сув иқтисод қилинишига эришилди.

**Мелиорация объектлари** бўйича ажратилган **29 млрд.сўм** ҳисобига **6 та** лойиҳаларда **17 км** узунликдаги очиқ хўжаликлараро коллекторлар, **13 км** узунликда ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқларини ҳамда **13 дона** гидротехник иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди.

Шунингдек, **1092 км** узунликдаги зовур тармоқлари тозаланиб, **116 та** кузатув қудуқлари онлайн мониторинг тизимига ўтказилди.

Натижада **22,4 минг гектар** суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

**Келгуси 2022 йилда** ирригация ва мелиорация тадбирларига **жами 60 млрд сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Келгуси йилда амалга ошириладиган ишлар ҳисобига вилоят бўйича **жами 113 млн. куб метр** сув иқтисод қилинишига, шунингдек, **30 минг гектар** экин майдонларининг сув таъминоти, **23 минг гектар** суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришилади.

### **Хурматли сессия қатнашчилари,**

Аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, **жиноятчиликнинг олдини олиш** ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб, ижобий натижалар қайд этилди.

Вилоятдаги **887 та** маҳаллаларнинг **51** фоизида (**450 та**) **жиноятлар содир** этилмаган бўлса, **264 таси** (**30%**) **жиноятлар камайишига** эришилди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, **бу соҳада олдимизда ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд.**

Хусусан, ўтган **11** ойда вилоят миқёсида барча йўналишлар бўйича **6 минг 132** та жиноятлар қайд этилган бўлиб, жиноятлар сони ўтган йилга нисбатан барча шаҳар ва туманларда ортган.

Шундан, **3 минг 888 таси** (63%) олди олинishi мумкин бўлган жиноятларни ташкил этмоқда.

Айниқса, **фирибгарлик, ўғирлик** билан боғлиқ жиноятлар сони юқориликча қолмоқда.

#### **Юқоридагиларни инобатга олиб:**

-ҳар бир содир этилган жиноятлар бўйича маҳаллаларда муҳокамалар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратиш;

-ҳар бир сектор кесимида, муаммоли оилаларнинг барчасига **“индивидуал диагноз”** қўйиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш;

-ҳар бир маҳаллада маҳалла раислари, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари билан биргаликда низоли оилаларда оилавий қадриятларни тиклаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли ишларни ташкил этишимиз зарур бўлади.

#### **Хурматли сессия қатнашчилари,**

Шиддат билан ўзгариб бораётган замон, келгуси йил учун мўлжаллаган режаларимизнинг миқёси ва кўлами келиб чиқиб, **ҳар бир соат, ҳар бир кундан юксак унум** билан фойдаланишни тақозо этади.

Биз бугун қандай ислохотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни режалаштираётган бўлмайлик, **уларнинг барча-барчаси ягона ва улуғ бир мақсадга қаратилган.**

У ҳам бўлса, инсон қадрини улуғлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш бериш, **бир сўз билан айтганда, халқни рози қилишдан иборат.**

**Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улуғ мақсадларга ўз-ўзидан, куруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди.**

Бундай юксак марраларни **фақат тинимсиз изланиш, ҳалол ва фидокорона меҳнат билан қўлга киритиш мумкин.**

Мен бугунги режаларимизда белгиланган устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, **бугун ушбу залда ўтирган, жойлардаги студияларда қатнашаётган меҳнатқаш, жонқуяр Андижон фидоийларининг** мустаҳкам иродаси ва бунёдкорлик салоҳиятига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, бутун Андижон халқини яқинлашиб келаётган **янги – 2022 йил билан** чин қалбимдан самимий табриклайман.

Эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида барчангизга куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва фаровонлик тилайман.

**Эътиборингиз учун раҳмат.**